

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Тасвир

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

№ 27 — 28

(2564 — 2565)

1993 йил

9 АПРЕЛЬ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Анжуман бўлиб ўтди

Яқинда "Билимлар уйи"да республика ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари И. А. Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" ва "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" рисолаларига бағишлаб илмий-амалий конференция ўтказилди. У Адлия вазирлиги ва Тошкент юридик институтининг ташаббуси билан уюштирилди.

Анжуманда республиканинг кўзга кўринган олимлари иштирок этиб, нутқ сўзладилар.

Рисолалар муҳокамасида қатнашган Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Олий суд вакиллари уларнинг нақадар керакли қўлланма эканини таъкидлаб ўтишди.

Анжуман қатнашчилари томонидан Республика Президентига очик хат жўнатилди.

Икки жума оралиғида

ГАП КАЛИШДА ЭМАС

Челак туманидаги дўкон мудирларидан бири харидор О. Хуббиновга ҳиммат кўрсатиб юборди. Ҳисоб билан сотиладиган товарларни отасининг мулкидай тақсим қилиб 50 килограмм гуруч ва 5 жуфт калиш сотди. Ана инсофсизлик... умуман бешта калиш инсофни белгиламайди, аммо, дўкон кўздан кечирилганда харидордан яшириб кўйилган 1243000 сўмлик товар топилди.

Жиноий иш кўзгатилади.

ИККИНЧИ КАСБ

Қўшработ туманидаги 76-мактаб ўқитувчиси болаларга тарбия беришдан бўш пайтларида янги бир касбни ўзлаштиришга жазм қилди. Савдо-сотиқ билан шугулланмоқчи бўлди. Аммо омади юришмай, 998 метр газмолни 147 минг 700 сўмга сотаётганида қўлга тушди. Ундан яна чайков нархида сотиш учун яшириб кўйилган 6994 метр, умумий нархи 1409700 сўмлик газмол тортиб олинди.

КУЛ БЎЛДИ

Боёв туманидаги пахта тазалаш фабрикасининг омборида ярим кечаси ёнғин чиқди. Тўрт соат давом этган ёнғин натижасида омборда сақланаётган 5 миллион сўмлик пахта куйиб кетди. 51 миллион сўм турадиган жиҳозлар эса сақлаб қолинди.

Тергов кетмоқда.

ЧОРАСИ КЎРИЛДИ

Эрталаб Тошкент давлат тиббиёт институти 2-клиник касалхонасининг жароҳлик бўлимига Алоқа институти 5-курс толиби М. Абдукаримовнинг кўкрак қафасидан жароҳат олган мурдаси келтирилди.

Текшириш натижасида "Ўзбекқишлоқмаш" заводининг ҳайдовчиси ушбу қотилликни содир этгани аниқланди. Уни қўлга олиш чоралари кўрилди.

ЯХШИ ЧАМАЛАШОЛМАДИ

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов тумани Фаробий кўчасида икки номатълум шахс В. Рукинов бошқариб келаётган "нўл олти"ни тўғатишиб, "Маданият" кўчасига элтиб қўйишни тўғатишди. Айтилган жойга келишгач эса негадир ҳайдовчининг бўйнига аркон ташлаб, уни бўга бошлашди. Қарашса кучлари етмайди. Тушдию, қочворишди.

Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни содир қилишда қатнашганларнинг бири қўлга олинди. У врач экан. Ҳамроҳини эса ушлаш чоралари кўрилди.

ҲАММАСИДАН БОР

Кечаси Самарқанд шаҳрининг Фирдавсий кўчасида оператив-кидирув тадбири ўтказилаётган пайтда махсус комендатура ҳисобида турувчи В. Т. тўғатишди. Ундан битта магазини 29 та ўқи билан АКМ автомати, "Макаров" тўппончасининг 5 та ўқи, 500 минг сўм пул, 10 турдаги тилла буюмлар ва 5 грамм наша тортиб олинди.

5-таксопарк ҳайдовчиси О. Ҳ. текширилганда эса ёнидан 7 та ўқи билан битта кўлбола тўппонча, қора пайпоқдан ясалган иккита никоб ва 65 минг сўм пул чиқди.

Уларнинг бошқа жиноятларга алоқадорликлари аниқланмоқда.

"ТАРБИЯ"

Тўрақўрғон туманининг ҳарбий таълим ўқитувчиси тарбиянинг ўша машхур услубидан фойдаланди. Фақат сал ошириб юборди, чамаси. У 10-синф ўқувчисини тартибга чақирмоқчи бўлди.

Оқибатда ўқувчи хушидан кетди ва касалхонага элтишда йўлда вафот этди.

ПОРА

Акмал Икромов тумани ИИБ ходимлари томонидан "Фарос" фирмасининг туман филиали биносида шу фирма муҳандиси пора олиш чоғида қўлга туширилди. У бош кийимлар фабрикаси назоратчисидан квартира ажратаман деб 100 минг сўм олаётган эди.

Жиноий иш кўзгатилиб "квартира"чи қўлга олинди.

Ярим кечаси Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасига Каттақўрғон тумани ИИБ қўриқлаш бўлими ходими милиция катта сержанти Сайлов Болиевнинг портлаш натижасида жароҳат олиб, касалхонага тушганлиги ҳақида хабар келди. Дарҳол суриштирув ишлари бошлаб юборилди.

Сайлов Болиев Ингичка қўрғонидаги кон бошқармаси ва савдо тармоқларида соқчилик хизматини назорат қилиш ва қўрғонда жамоат тартибини таъминлашга масъул. Ҳақиқат ҳам у соат 17 да савдо тармоқлари соқчилари билан йиғилиш ўтказиб, тегишли кўрсатмалар берди ва постларга юборди. Сўнг уйига қайтди.

Кечаси соат бирларга яқин аллақандай

ФАЛОКАТНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

тутуннинг ҳидини сезди. Хотини ҳам куйиндининг ҳиди келаётганини айтди. У шоша-пиша туриб чироқни еқмоқчи эди, ёнмади. Ток йўқ эди. Ошхона томон ўтиб, газни кўздан кечирди. Ҳаммаси жойида.

Беихтиёр эшик томон йўналди. Унинг сезишича тутун ҳиди шу томондан келаётгандек эди. Дарҳақиқат, у эшикни очиши билан кўзи останада турган сувкоғоз халтачага тушди. Унда нималардир бор эди. Халтачадан чиқиб турган аллақандай ип эса бижиллаганча ёниб келмоқда эди. У дарҳол сездики, портловчи модда. Шоша-пиша юз бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисанинг

олдини олиш мақсадида халтачани кўтарди. Натижада ип узилиб тушди ва ундаги капсула-детонатор портлаб кетди.

Портлаш унчалик даҳшатли бўлмаса ҳам бир кишини жароҳатлашга етарли даражада эди. Сайловнинг баданига бир қанча темир парчалари келиб қалди ва тўлқиннинг зарбидан останага кулади.

Кучли шовқини эшитган хотини, болачақалари, кўни-кўшнилари югуриб чиқинди. Ҳамма Сайлов билан банд бўлиб турган бир пайтда унинг ўғли Ислоҳ пишиллаб, ўзидан учкун сачратиб турган портловчи моддага сув сеппиб учирди.

БУГУНГИ СОНДА:

2—3-БЕТЛАР

ЮКСАЛИШ САРИ

Ўзбекистон Республикаси

ИИВда Академия барпо этиш

таклифлари ўрганилмоқда

6-БЕТ

ДУСТЛАР

ҚУТЛОВИ —

ОЛИЙ

МУКОФОТ

7-БЕТ

ЁДДАН

ЧИҚМАЙДИГАН

ЖАСОРАТ

ТОҒЛИ ТУМАНДА

Тоғ томон тик кўтарилиб борадиган йўл Навоий вилоятининг Нурота туманига олиб боради. Шаҳарликлар азалдан бу ерга соф ҳаводан нафас олиб, ҳордиқ чиқаргани келишади.

Туман марказида ҳаёт осойишта. Аммо ички ишлар ходимлари қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Милиция кийимдаги кишилар безорилик, ичкиликбозликка қарши кескин кураш олиб бормоқдалар. Фақат шу йилнинг ўзидагина аҳолидан ноқонуний равишда сақланаётган 21 дона қурол тортиб олинди. Озиқ-овқат моллари, кенг истеъмол буюмлари билан чайқовчилик қилиш ҳоллари очилди.

Суратларда: Нурота туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги



Отамурод Усмонов, профилактика бўлими бошлиғи, милиция капитани Давлат Қурбонов, жамоат тартибини сақлаш бўлими масининг катта назоратчиси, милиция капитани Раҳимжон Бобоев ва участка катта инспектори, милиция майори Ҳикматулла Ҳожиевлар билан жамоат тартибини сақлаш бўйича навбатдаги иш режасини кўриб чиқишмоқда; "Ғозғон" наслчилик давлат хўжалиги участка назоратчиси, милиция лейтенанти Садриддин Жумаев чўпонлар билан суҳбатлашмоқда; милиция лейтенанти Сунатилла Шодиев навбатчиликда.

Е. БОТИРОВ олган суратлар.

ИМКОНИАТ ЧЕГАРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ КЕРАК

1990 йил октябрида Республика Президенти милиция ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланишини кучайтириш тўғрисидаги қонунга имзо чеқди. Ҳақиқатда марказий матбуотда журналистлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини кескинроқ ва орқа-ўнгини суриштирмасдан "фож қилиш" борасида мусобақа ўйнашарди, иттифоқ парламентида жиноятчиликка қарши курашни "кучайтириш, чуқурлаштириш ва кескин фаоллаштириш" бўйича навбатдаги тадбирлар лойиҳаларини муҳокама қилиш чексиз давом этарди.

Жиноий ҳатти-ҳаракатлар тўғрисидаги хабарлар эса ўз навбатида борган сари кўпроқ уруш

ҳаракатлари маълумотларини эслата борди. Милиция ходимларининг ҳавфсизлигини таъминловчи Қонуннинг қабул қилиниши Республиканинг дастлабки мустақил қадамларидан бўлди.

Ушандан бери икки йилдан кўпроқ вақт ўтди, республика раҳбариятининг барқарорликка қонун ва ҳуқуқ-тартибот устиворлигини қарор топтириш орқали эришиш йўлини топанлиги тўғри бўлганлигини тасдиқлади. Назоратдан ҳоли жиноятчиликнинг тазйиқи остида бутун ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ҳалокатга учрашини башорат қилган кўплаб "пайгамбарлар"га зид ўлароқ мураккаб ижтимоий-иктисодий

шароитда нафақат жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг ўсшини тўхтатишга, балки жиноятчиларга қарши қатъиян ҳужумга ўтишга ҳам муваффақ бўлинди. Милиция ходимлари ўзларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланишларини кучайтириш тўғрисидаги қонунда, ундан сўнг ички ишлар идораларининг маънавий-ахлоқий ва моддий аҳволини мустаҳкамлаш бўйича муайян қадамларда амалий гамҳўрликни кўрдилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини мустаҳкамлашга йўналтирилган маблағлар жамоат ҳавфсизлигини таъминлашда самарадорликнинг ошиши билан ўзини тез орада қоплади.

Ўтган йили Тошкентда милиция ходимларига қаршилик кўрсатиш ва қарши ҳаракат қилиш бўйича 1855 факт қайд этилди, тошкентлик 3 милиционер ўз хизмат бурчини бажариш вақтида турли даражада шикастланди, (Давоми 5-бетда).

Сайловнинг кўшнилари уни касалхонага олиб боришиб, сўнг бу ҳақда милицияга хабар қилишди.

Воқеа жойи кўздан кечирилганда сувкоғоз халтачада жами 7 дона эзилган портловчи модда — омонит, қора рангли махсус ип парчалари топилди. Шунча микдордаги модда тўртинчи қаватда портлаганда нима оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш мумкин, холос.

Сайлов эса кўп хонали уйда портлашнинг олдини олгани учун мукофотланди.

Абдурахмон УСМОНОВ,
ИИВ ШТХБ катта нозирни, ички хизмат капитани.



Ю К С А Л И Ш

ва туб чуқур ўзгаришларни тақозо этиши равшан эди.

Ўқув юрти фаолиятининг ҳамма томонларини

Хизмат тақозоси билан ўтган йил охирида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Олий мактабига бир неча марта боришимга тўғри келди. Ушанда мактабнинг бутун ҳудуди улкан қурилиш майдончасини эслатар эди. Ётоқхоналар, ўқув биноларининг хона ва йўлақларида бўёқчилар, сувоқчилар, дурадгорлар тиним билмай ишлашар, ҳамма ёқни бўёқ, оҳак, янги қириндилар ҳиди тутиб кетган эди. Қисқаси, қизгин иш борарди. Тўғриси айтсам, ўқув йили айна қизган паллада бошлаб юборилган кенг қўламдаги таъмирлаш ишлари мени бироз ҳайрон қолдирди: ҳозир бунинг ўрнимикан, ўқув жараёнига салбий таъсир кўрсатмасмикан? Мактабнинг кўпгина ходимлари, тингловчилари билан суҳбатлашганимда шубҳаларим тасдиқлангандек бўлган ҳам эди. Лекин мўлжалланган таъмирлашлари қойилмақом қилиб бажарилган бутун кунда бу ҳақда ҳайрон аралаш завқ-шавқ билан гапиришдан бошқа иложим йўқ. Аммо таассуротлар ўз йўлига — мактабнинг ҳозирги зоҳирий жилваси ҳар ҳолда кўзланган бирдан-бир мақсад эмас, балки ўқув жараёнини тубдан қайта қуриш, жумладан ишлаб турган ҳозирги олий ўқув юрти базасида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясини барпо этиш ва шу орқали ички ишлар идоралари учун мутахассислар тайёрлаш сифатини кўтариш борасидаги кенг миқёсли дастурни амалга оширишнинг энг муҳим бўғинларидан биридир, ҳолос. Камина ана шу кўп қиррали иш билан боғлиқ истиқболлар, муаммолар ҳақида ушбу дастурнинг муваффақиятли чиқишига даҳддор бўлган кишилар билан суҳбатлашди.

БИЗНИНГ ЎЗ КОНЦЕПЦИЯМИЗ БОР

Р. МАГДЕЕВ,

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Олий мактаб бошлигининг биринчи ўринбосари, доцент, милиция подполковниги:

— Гапни ўрта Осиё республикаларини истисно этганда, МДХга кирувчи давлатларнинг амалда ҳаммасида милиция, баъзиларида эса полиция Академиялари аллақачон ташкил этилганлигидан бошлаш зарурдир, эҳтимол. Лекин улар қандай тарзда ташкил этилган? Тўғриси айтганда, аслида уларда ҳеч нарса ўзгармаган, моҳият қолгану ном ўзгарган ҳолос. Болтиқбўйи, Кавказорти республикаларида, Молдовада бундай академиялар ҳозир у ерда мавжуд бўлган милиция ўрта мактаблари, олий мактаб бўлими ёки куллиётлари базасида фаолият кўрсатмоқда. Улар бир-бирларидан ўз мақомлари, тузилиши, вазифалари билан фарқ қилсаларда, аниқ концептуал негизга эга эмасликлари билан ўзаро ўхшайдилар. Биз бошқачароқ йўлдан боришга аҳд қилдик. Аввало республика ИИБ тизимида юридик таълимни қайта қуришнинг умумий муфассал концепциясини ишлаб чиқдик, унинг таркибий қисмини Академия барпо этиш гоёси ташкил этади. Республикада мавжуд бўлган, марказлаштирилган иттифоқ давлати шароитида шаклланиган ички ишлар идоралари учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими бутунлай эскиргани

ҳаддан ташқари қаттиққўллик билан қолилаш, фармойиш ва буйруқларнинг бири тоғдан бири боғдан келиши, майда-чуйда нарсалар хусусида ҳам ёзма ҳисобот бериш, миллий кадрлар тайёрлашдаги ўзига хос жиҳатларни эътиборга олмаслик — мактабнинг юрисдикцияси ўзгариши билан тамомила барҳам берилган марказлаштирилган раҳбарлик услубининг баъзи хусусиятлари ана шулардан иборат эди. Мактабимиз илгарилари ҳам ўзининг моддий-техника базаси, интеллектуал салоҳиятига кўра (бизда салкам 70 фан номзоди ва 12 фан доктори машғул олиб боради) собиқ Иттифоқ ИИБ етакчи ўқув юртилари қаторига кирар эди. Бу ҳолат ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Янги концепция қоидаларини амалга ошира бориб, ушбу ўқув йилида мактабга қабул қилиш принципи тубдан ўзгартирилди, яъни ўқув юртимизга ўрта умумий таълим мактабларини битирган қобилиятли йигитлар, шунингдек қизларнинг кириб ўқишига тўсиқ бўлган “армия цензи” бекор қилинди. Биз ўн йилдан ортиқ ана шунга эришиш учун ҳаракат қилиб келган эдик.

Таълимнинг амалий йўналганлиги кучайтирилмоқда, энди у ўрганилаётган фанларнинг доирасини чексиз кенгайтиришга эмас, балки тингловчилар ўз бўлажак касбларини чуқур, ҳар томонлама билиб олишларига асосланади. Мазмунан олганда, принципиал жиҳатдан янги ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқиладиган бўлганда, ўқув жараёни жадваллари, фанларнинг ўрганиш тизими ҳамда мантикий изчиллиги, таълим шакл ва усуллари, назария ва амалиётнинг, мажбурий ва куллиёт фанларнинг ўзаро нисбати, янги дарслик ва қўлланмалар тайёрлаш иши тубдан ўзгара бошлади.

Академиянинг барпо этилиши мутахассислар тайёрлашнинг икки босқичли моделига ўтиш заруратини ҳам юзага келтирдик, бу жуда муҳимдир. Унинг моҳияти шундаки, таълимнинг дастлабки икки йилида тингловчилар ўрта юридик маълумот тўғрисидаги дипломини олиш учун етарли бўлган сиёсатшунослик, руҳий-педагогик, ижтимоий-иқтисодий, махсус ва ҳарбий хизмат фанлари асосларини ўрганадилар. Биринчи босқичдаги таълим якунлангач, тингловчиларнинг энг қобилиятли, ўқув дастурини муваффақиятли ўзлаштирган қисмигина олий малакали юрист дипломини олиш ҳуқуқини берадиган таълимнинг иккинчи босқичига ўтказилади. Концепцияда Ўзбекистон ИИБ раҳбар ходимлари бориб ўрганиб келган Туркия, Франциянинг полиция академиялари ва полиция ўқув юртиларида ўқув жараёнини олиб бориш ва ташкил этиш тажрибаси ҳисобга олинган.

Бироқ яқин ва узоқ хориждаги академиялар моделларининг бирортасидан ҳам бизда тўлиқ даражада фойдаланиб бўлмайди. Айни шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг концептуал моделини ишлаб чиқиш зарурати туғилди.

Дарвоқе, мутахассисларни икки босқичда тайёрлаш концепциямиз ҳозирданок Литва полиция Академиясида, шунингдек Олмаота, Қараганда ва Бишкек милиция мактабларида рўйбга чиқарилган.

Мактабимиз ИИБнинг нафақат ўқув

базаси, балки илмий-тадқиқот базаси ҳамдир, шунинг учун бўлажак Академия структурасида бир қатор янги кафедралар, куллиётларни ташкил этиш учун кундузги ва сиртки адбютураларни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси етакчи илмий ихтисосликлар бўйича ихтисослаштирилган кенгаш таркибини тасдиқлади. Яқин истиқболда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича кенгаш ҳам ташкил этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Академиясининг концепцияси республика ички ишлар идораларининг юридик ўқув юртларини (милиция Олий ва ўрта махсус мактабларини) тамомила янги ҳилдаги ягона ўқув юртига бирлаштиришни кўзда тутди, бу эса профессор-ўқитувчилар таркибининг ички имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланиш имконини беради, ўқув юртларининг фаолиятидаги такрорлашларга барҳам беради. Бундан ташқари, ИИБнинг оператив резерви бўлган ўқув юртларининг гоятда муҳим, лекин тарқоқ ҳолдаги куч ва воситаларини ягона бошқарув асосида жамлаш, қутилмаган офатлар, фавқулодда ҳодисалар ва бошқа гайриоддий вазиятлар юз берган тақдирда шахсий таркибдан ўз вақтида фойдаланиш имконияти юзага келади.

Яна бир маротаба шунини таъкидламоқчиманки, мактабимиз республика ИИБ юрисдикцияси ихтиёрига ўтганидан сўнггина ўқув жараёнини ташкил этишда ҳозирги ижобий ўзгаришларга эришиш мумкин бўлди. Профессор-ўқитувчилар ва тингловчилар мактабнинг эҳтиёж ва муаммоларига республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан гоятда эътиборли муносабатда бўлаётганини дарҳол ҳис этдилар. Барча масалалар тезкорлик ва ишбилармонлик билан ҳал қилинмоқда.

ҚУРЯПМИЗ ВА ТАЪМИРЛАЯПМИЗ

К. МАМАСОЛИЕВ,

Олий мактаб бошлигининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари, ички хизмат подполковниги:

— Очигини айтганда ўтган йили ҳозирги лавозимда иш бошлаган пайтимда мактабнинг моддий-техника жиҳатдан аҳволи жуда қаровсиз ҳолга тушиб қолганини кўрдим. Ётоқхоналарда сантехника ускуналари амалда ишламаз эди, тингловчилар арзларини кимга айтишни билмас эдилар. Ўқув корпуслари, ошхонада ҳам аҳвол бундан яхши эмас эди. Мактаб эҳтиёжлари учун ажратилган жуда оз миқдордаги маблағлар билан энг оддий таъмирлашни ҳам амалга ошириш мушкул эди. Буларнинг ҳаммаси, албатта, ўқув жараёнига таъсир этмай қолмас эди. Ўқув юртимиз республика ихтиёрига ўтиши, мактабга янги раҳбарларнинг келиши билан аҳвол кўз ўнгимиздан яхши томонга ўзгара бошлади. Менимча, энг тўғри йўл тутилганлиги — маиший шароитларнинг йўлга қўйилиши, ҳам тингловчилар, ҳам профессор-ўқитувчилар томонидан интизом ва тартибнинг мустаҳкамланиши бутун ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш учун имкон яратди.

Шунини таъкидлаш лозимки, республика ИИБ маблағни аямади, ётоқхоналар, ўқув корпуслари, маъмурий биноларни реконструкция қилиш, қайтадан режалаштириш ва тубдан таъмирлашга доир ишларга, мактаб майдонини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга 60 миллион сўм ажратди, бу маблағ қисқа

муддат ичида ўзлаштирилди. Бир қанча компьютер техникаси, янги мебеллар, инвентарлар харид қилинди, мактаб автопарки 60 фоизга янгиланди. Шуниси ибратлики, ана шу ишлар ҳажмининг қарийб учдан бири тингловчилар ва профессор-ўқитувчиларнинг фаол иштирокида бажарилди.

Куч-ҳаракатларни жамлаш, ўзини вақтинчалик меҳмон деб ҳис этаётганлар кайфиятини ўзгартириб, соҳиблик туйғусини уйғотиш зарурлигига ҳаммани ишонтира олганлиги мактаб раҳбариятининг катта хизмати бўлди. Ўзингиз ҳам эътибор билан қарасангиз, кишиларимиз нақадар ўзгарганлигини кўрасиз. Тозалик, саришталик, батартиблик, ҳарбийларга хос руҳият мактабнинг бутун шахсий таркибига, ҳар бир кишининг хулқ-атвори ва қиёфасига самарали таъсир этмай қолмайди.

Лекин, ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозим. Зеро, ўқув юртимиз базасида Академиянинг барпо этилиши қўшимча ўқув ва маъмурий корпусларни, лойиҳа-смета ҳужжатлари аллақачон тахт қилиб қўйилган ҳаммом-кир ювиш мажмуини қуришни, шунингдек спорт мажмуи, малакани ошириш куллиёти, биносини реконструкция қилишни, ошхонани кенгайтиришни тақозо этади, кун навбатида ўқув-услугий хоналарини, маъруза ўқиладиган зал ва дарсхоналарни безатиш борасида катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш турибди. Бу вазифаларни бемалол бажарса бўлади, зеро бугунги кундаёқ олға қараб қўйилган қадамнинг дастлабки илҳомбахш самараларини кўриб турибмиз, республика милиция Академиясини барпо этишга у ёки бу даражада ҳисса қўшаётган барча кишиларнинг иштироки янада кучайган сари бу самара янада салмоқли бўла боради.

ҲАЁТДАН ОРҚАДА ҚОЛМАСЛИККА ҲАРАКАТ ҚИЛЯПМИЗ

Р. САИТБОЕВ,

ИИБ оператив-қидирув фаолияти кафедрасининг бошлиги, юридик фанлари номзоди, доцент, милиция генерал-майори:

— Ниҳоят мактабга раҳбарлик қилиш учун ҳақиқий ишбилармон, ташкилотчи, ички ишлар идоралари барча хизматларининг ишини пухта биладиган киши — милиция полковниги У. Тожихонов юборилди, десам кўпчилик ўқитувчиларнинг ҳам, тингловчиларнинг ҳам фикрини ифодалаган бўламан деб ўйлайман. Қисқа вақт ичида бутун шахсий таркиб мактабнинг ўқув ва маиший базасини муносиб кўринишга келтириш учун сафарбар қилинди. Долзарб масалаларнинг ҳаммаси шонмасдан, пухталиқ билан ва ишнинг кўзини билган ҳолда ҳал қилинса ишлаш ҳам энгил кечади.

Мен бошқараётган кафедрада жиноят-қидирув хизматлари учун, иқтисодий соҳасидаги жиноятларга, гайриқонуний равишда гиёҳвандлик моддалари сотилишига қарши кураш бўйича оператив-қидирув фаолият мутахассислари тайёрланади. Ҳаётдан орқада қолмасликка ҳаракат қиляпмиз, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида илмий-тадқиқот ва услубий ишнинг кўп жиҳатларини қайта кўриб чиқяпмиз.

Кейинги вақтда кафедрамиз амалий ишда катта тажрибага эга бўлган, барча турдаги машғулотларни давлат тилида ҳам, рус тилида ҳам олиб бора оладиган ўқитувчилар билан бутланди. Машғулотларда тингловчилар томонидан мустақил равишда фикрлашни, олинган билимлардан муайян, ҳақиқий вазиятга яқинлаштирилган ҳолатда фойдалана олиш маҳоратини талаб қиладиган муаммоли вазиятлар муҳокама қилиниши усулидан кенг миқёсда ва йўналишли тарзда фойдаланяпмиз. Амалий ўйинлар, оператив-тактик машқлар сингари таълим беришнинг илгор шаклларини фаол қўллаяпмиз. Бу эса тингловчиларнинг фикр доирасини, уларнинг интеллектуал савиясини кенгайтирмоқда, пировардида эса ўз ишининг билимдон мутахассислари шаклланишига ёрдам бермоқда.



САРИ

Ўзбекистон Республикаси
ИИВда Академия барпо этиш
таклифлари ўрганилмоқда



Кафедрамиз жиноятларни очишда қўлланиладиган энг замонавий махсус, криминалистик ва электрон-ҳисоблаш техникасига эга, йигирмата электрон-ҳисоблаш машинаси ва турли хил махсус техника билан жиҳозланган ўқув-услубий кабинетлар самарали ишлаб турибди.

Кафедрада фанлардан давлат тилида таълим беришни услубий таъминлаш тизими барпо этишга доир фаол иш олиб борилмоқда. Ана шу мақсадда маъруза ва услубий фондлар тўлдирилмоқда, оператив-қидирув фаолияти бўйича русча ва ўзбекча терминологик лугатлар тайёрлаб қўйилди, ўзбек тилида ҳисоблаш техникаси бўйича маъруза тезисларининг тўплами нашр қилинди.

Ўқув юртимизнинг Академияга айланишини реал вазифа деб биламан, бунинг учун барча шарт-шароит ҳам мавжуд. Энг асосийси, ҳар бир киши ўз вазифасини бажаришга янада талабчанлик билан ёндошиши, мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиб, жиноятчиларга қарши курашни самарали ташкил этишнинг замонавий талабларига жавоб берадиган мутахассислар, ҳақиқий мутахассисларни тайёрлаш учун куч-ҳаракатларни сарфлаши зарур.

ЯНГИ ТАЛАБЛАР АСОСИДА

Б. ТҮЙЧИЕВ,
фалсафа кафедрасининг бошлиғи,
фалсафа фанлари доктори,
профессор, ички хизмат
подполковниги.

— Ўзини маданий деб ҳисоблайдиган бирорта жамият ҳам ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассисларсиз яшай олмайди. Бу очиқ-ойдин ҳақиқат. Бу республикамиз ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан бораётган ҳозирги кунда айниқса долзарблик касб этмоқда. Шунинг учун, республика ИИВ тизимида Академия ташкил этилишини шунчаки модага эргашиб, номни ўзгартириш деб эмас, балки янги мураккаб ва бир хилда бўлмаган, лекин кундан-кунга олга қараб ривожланиб бораётган жараён деб биламан.

Мақтабда бўлажак Академиянинг моддий-техника негизини яратиш бўйича жуда катта иш қилинди ва қилинмоқда дея оламан. Таркиб қайта ташкил этиш, катта ҳажмда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг олиб борилиши шахсий таркибнинг бир ёқадан бош чиқарганини, ҳар бир ходимнинг умум иши олга силжиши учун фидокорона меҳнат қилишга тайёр эканлигини намойиш этди. Бу шунчаки баландпарвоз сўзлар эмас — ҳаётнинг ўзи ана шундай.

Ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва иқтисодий фанларни ўқитишга келсак, кейинги вақтда бу тўғрида кўплаб турли фикр мулоқазаларни эшитишга тўғри келмоқда. Тингловчиларимизнинг вақтини олий назария билан ортиқча банд қилиб қўймаймизми? Бироқ, жўшқин ривожланаётган жамиятда яшаб туриб, унинг ривожланишининг муҳим қонуниятларини, уни такомиллаштириш, зиддиятларни ҳал этиш йўллари билмаслик ҳам мумкин эмас, албатта. Ижтимоий фанлар эса айти шундай билимларни беради.

Ҳозир ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраларида мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда айрим ўқув фанларини чуқур янгилашга оид собитқадам иш олиб борилмоқда. Шу муносабат билан “Сиёсатшунослик”, “Ўзбекистоннинг сиёсий тарихи”, “Дин ва атеизм тарихи”, шунингдек “Ҳуқуқнинг фалсафий муаммолари”, “Бозор иқтисодиёти муаммолари”, “Миллатлараро муносабатларнинг ҳозирги муаммолари, назария ва

амалиёт” сингари махсус курслар жорий этилди. Анъанавий ижтимоий фанлар тубдан қайта кўриб чиқилмоқда, уларнинг мазмуни профиллаштирилмоқда. ИИБ ходимларининг касбий этикаси, маданияти муҳимлиги яхши маълум, бироқ ана шу масалаларни қамраб олувчи маърузалар курслари чекланган ҳажмда ўқиб келинган ва ҳозир ҳам ўқилмоқда, улардан имтиҳонлар ҳам топширилмайди. Хориждаги полиция ўқув юртлиридагидан уларга кўпроқ эътибор бериш учун вақт етиб келди деб ҳисоблайман.

Ўқув дастурлари ва дарсликлар масаласи — жуда мушкул масала бўлиб қолмоқда. Ижтимоий-сиёсий фанларнинг ўқув дастурларини тузиш борасида бир неча ўн йиллар давомида шаклланган марказлаштирилган-директив тизим уларни ҳаддан ташқари тумтароқли қилиб, барча янги нарсаларни олиб ташлашга олиб келди, бу эса ўқув материални муқаррар равишда ақидалаштирди. Ўқитувчиларнинг баъзи муҳим ташаббуслари сезилмай қолди, ёхуд айрим жойлардагина амалга оширилди. Шу тариқа юқорининг қошқовоғига қараб дарс беришдек кўп йиллик одат юзага келди, бу эса ўқитувчиларда ўзига хос қарамлик ҳиссини турдирди, ўз интеллектуал имкониятлари маълум чегарагача эканлиги хусусида кайфиятни юзага келтирди.

Бугунги кунда ўқув фанларини ва ўқитиш жараёнининг ўзини чуқур демократиялаш ҳамда инсонийлаштириш гоёсига қайтиш зарур. Ана шунга интилоқдамиз ҳам.

МАКТАБДА БАТАЛЬОНГА ҲОЖАТ БОРМИ?

Э. БОҚИЖОНОВ, ўқув батальони
командири,
ички хизмат подполковниги.

— Менинг лавозимим бир қадар гайриоддий туюлиши мумкин: мактабда батальон нима қилиб юрибди? Мен бу ерга шу йилнинг февралда келдим. Лекин бу лавозимнинг пайдо бўлиши бежиз эмас, у республика ИИВ Академиясини барпо этиш концептуал дастурини рўёбга чиқаришнинг муҳим босқичларидан бири бўлиб қолди, зеро унда курсларни ўқув батальонларига айлантириш (бирлаштириш) ҳам кўрсатилган. Илгари қандай эди? Тўрт курснинг ҳар бири тахминан 150 кишидан иборат бўлган иккита кичик курсга бўлинадди. Кичик курсга бошлиқ ва унинг ўринбосари раҳбарлик қиларди, улар зиммасига тарбиявий, ҳўжалик, ташкилий характердаги бир талай вазифалар юкланарди. Уларга ўқув бўлимларида куну тун бўлишга тўғри келарди. Барча офицерлар, шунингдек ўқитувчилар, доцентлар, профессорлар ҳам график бўйича мактабда суткалик нарядда бўлишларини эътиборга олсак манзара тугалланган кўриниш касб этади.

Курсларнинг ўқув батальонларига бирлаштирилиши билан (батальонда ҳозир уч юздан ортиқ киши бор) курс бошлиғи ихтиёрига ўринбосар, шунингдек армия структурасига ўхшаб учта рота командири,

шунингдек хўжалик таъминоти билан шуғулланадиган старшина берилди. Яъни штатга кўра олти офицер батальон билан шуғулланади. Бундан ташқари мактаб структурасида штатга асосан навбатчи қисм тузилди, энди унинг офицер ва сержантлар бизга бевосита вазифаларимизни бажаришга, яъни тингловчилар билан ишлашимизга халал бермаган ҳолда суткалик нарядга чиқадилар. Ўз тингловчиларимиз билан яқка тартибда иш олиб боришимиз учун ортиқча вақт юзага келиши билан бир қаторда штатли навбатчи қисмининг фаолият кўрсатиши хизмат интизомини ва айти вақтда, ўқув интизомининг даражасини кескин кўтариб юборди.

Республика ИИВнинг ёрдами билан яқиндан бери тингловчилар орасидан тайинланган гуруҳлар ўқув бўлимлари командири, старшиналарига ўз вазифаларини бажарганлик учун устама ҳақ тўланмоқда, энди улардан қатъият билан қилинган иш хусусида ҳисоб талаб қилиш мумкин, кичик командирларнинг обрўси ҳам ошди. Бунинг устига улар ўз билимлари учун стипендияга қўшимча пул оладилар. Тингловчилар учун стипендия улгуришга боғлиқ ҳолда 1,5 мингдан 2,5 минг сўмгача қилиб белгиланади.

Маълумки, бугунги биринчи курс тингловчиларининг кўплари бевосита армия хизматидан сўнг ўқишга кирганлар, армияда улар бизда ўқиш учун зарур кўникмаларга эга бўлмаганлар. Шунинг учун интизом юксак даражада бўлган ўқув юртига келганини, дастлабки қадамларданок бетартибликка, ўз сўзининг устидан чиқмасликка бу ерда тоқат қилинмаслигини ҳис қилишлари жуда муҳимдир деб ҳисоблайман. Милицияга хизмат қилишни ўз касбинг сифатида танлаган экансан, ўзингга ҳам, дўстларингга ҳам, ота-онангга ҳам тил тегиздирадиган иш қилма.

БИЗ БУ ЎҚУВ ЮРТИНИ БЕЖИЗ ТАНЛАМАГАНМИЗ

В. МАРКОВСКИЙ, биринчи курс
тингловчиси:

— Мен ҳақиқий ҳарбий хизматни ички қўшинлар сафида ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларидан бирида ўтказган вақтимда ана шу ерда ўқишга аҳд қилдим. Армиядаги жўшқин ҳаёт, шунга монанд жўшқин вазиятлар — буларнинг ҳаммаси аҳдимни мустаҳкамлади. Қадрдон шахрим — Самарқандга қайтдим, бир оз муддат ҳарбий комиссариатда ишладим, сўнгра Самарқанд ИИБ йўллашмаси билан ўтган йили Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий мактабига ўқишга кирдим.

Армия мактабидан ўтмасдан туриб бу ерга ўқиш учун кирганларга қараганда менга енгилроқ бўлганлигини айтқоқчиман, зеро мен узоқ муддатли танаффус қилмасдан туриб менга таниш, яқин бўлган

армия муҳитига шўнгидим. Ўз таҳсилимиз учун шарт-шароитни йўлга қўйишга бевосита иштирок этиш учун ўзимизга имконият бериб қўйилган.

Мақтаб ҳовлисида ўтин, ётоқхоналарга кириб кўринг, ҳақиқатан ҳам қисқа муддат ичида жуда кўп иш қилинганлигини кўрасиз, ҳар бир тингловчи ҳам бунга ўз ҳиссасини қўшган.

Ҳозирча фан асосларини ўзлаштириш, бироқ оператив-қидирув иш бўйича ихтисослашиш ниятим бор, жиноят-қидирув соҳасида хизмат қилишга қизиқаман. Очигини айтганда, музикани ҳам ёқтираман. Ўз вақтида музика мактабини битирган эдим, шундан бери музика менинг жони дилим. Пуфлаб чалинадиган чолгулар оркестрида труба чаламан. Қисқаси, ўқув юртимизда зерокиш учун вақт йўқ, ўзим ҳам осойишта ҳаётга тайёрланаётганим йўқ, зеро бўлажак касбим ҳам шунга тақозо этади.

Н. АБДУЛЛАЕВ,
учинчи курс тингловчиси:

— Мен Хоразм вилоятиданман, лекин тақдирим шундай бўлди, анчадан бери қадрдон юртимдан узоқда яшайман. Аввал флотда хизмат қилдим, сўнгра бир неча йил Кемерово ички ишлар идораларининг турли бўлимларида ишладим, у ерда милиция ўрта мактабига ўқишга кирдим, кўп ўтмай ўқишни шу ерга қўчирдим.

Ўқишим менга ёқади, мен шахсан машғулотлардан ҳам, аксарияти юқори даражада билимдон бўлган ўқитувчилар билан мулоқотдан ҳам катта қониқиш оламан.

Патруль-пост, профилактика хизматлари иши билан амалиётда таниш бўлсамда терговчи бўлишга қарор қилдим. Ушбу касбдаги кўпқирралилик, ҳар томонлама ўзимни кўрсатиш мумкинлиги мени қизиқтириб қолди. Криминологияга, жиноий ҳуқуққа доир дастурларини ўзлаштиришга иложи борица кўпроқ эътибор беришга ҳаракат қиламан. — Зеро, бу фанлар тергов амалиётининг тамал тошидир. Албатта, фақат шулар билан чекланиб қолмаяпман, фанларнинг ҳаммаси қизиқарли.

Республика ИИВ Академияси барпо этилгач, ички ишлар идоралари ходимларининг интеллектуал ва касбий даражасини ошириш учун имкониятлар кўпаяди деб биламан, гарчи унда ўқишимга, аҳтимол, тўғри келмасда — келажак ҳақида ўйлаш зарур.

Ҳозирги вақтда Академияни барпо этишга доир барча ҳужжатлар республика Ички ишлар вазирлигида ўрганилмоқда.

А. ВОРГУДЕВ.



ДУШАНБА

12 АПРЕЛЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Тошкент" студияси. "Болалар". 8.20 "Таваккал Қодиров куйлайди". Фильм-концерт. 8.45 "Четга оғиш ноль". Бадий фильм. 10.05 "Шарқнинг қадимий ёдгорликлари". Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Электрониз ҳодисаси. 11.00 "Фермерлар", "Пирим ороли". Телефильмлар. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. Унли қасрлар ва улар устида ишлаш. 12.00 "Меҳр". Ишчи ёшларга гапхўрлик.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилар. 18.10 "Кичкинтой" устахонаси. 18.40 "Қибрай лавҳалари" 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Мулоҳаза". Спектаклда мусиқа ва кўшиқнинг ўрни. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Оқшом эртақлари". 20.25 Ўзлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Гулбахор Эрқулова куйлайди. 21.45 "Давлатнинг қудрати — қонун устиворлигида". 22.15 "Лев Толстой". Бадий фильм 1-серия. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.00 Янгилар. 18.10 Болалар учун. "Совға". 18.40 "Ансамбль". Телефильм. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Ўтмишсиз келажак йўқи". 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Бизнинг суҳбат". 20.30 "Миришкорлар". 21.00 "Наврўз". 21.30 "Салом, ёшлар". 22.15 "Тараддуд". 22.40 "Ойижон, мен тирикман". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

4.55 14.20 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 "Яқунлар". 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Қўшиқлар". Мультифильм. 8.30 "Марафон-15" — старт. 9.15 "Брэйв-ринг". 10.05 "Сиз учун учрашув". Виктор Астафьев. 11.00 Янгилар. 11.20 Илмий-оммабон фильм.

*

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 Мультифильмлар. 15.40 "440 герц". 16.20 "Иқболи кулганда". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.20 "Технодром". 17.30 Мультифильм. 17.40 Санъат усталарининг концерти. 19.10 Рукн премьераси. "Хафтаннинг акс-садоси". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар. 19.55 Ўзлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Оппоқ либослар". Етти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 5-серия. 21.45 "Спорт уик-энди".

"Янги студия" таништиради: 22.00 "Монтаж" ("Мен"). 22.10 "Қаранг-чи, ким келди?". 22.25 "АТВ-брокер". 22.35 "Бирок...". 22.50 "Монтаж" ("Шарж"). 23.35 "Бомонд". Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Тонги концерт. 8.10 Мутлақо махфий. "С. П. Королев таржимай ҳолидан баъзи бир саҳифалар" Хужжатли фильм. 9.30 "Бола тилидан...". 10.00 "Истеъодлар ва мухлислар". 11.00 Ишдан бўш пайтингда. 11.15 Кундузги сеанс. "Сизни гражднка Никанорова кутяпти". Бадий фильм. 12.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.05 "Топилсин ва зарарсизлантирилсин". Бадий фильм. 14.30 Кипрас Мажейка. "Кичик Европа"дан репортажлар. 15.05 Янгилар. 16.20 "Американинг ёввойи табиати". Хужжатли фильм премьераси. 6-фильм. 15.50 Трансросэфир. "Акс этиш". 16.35 "Россияда бизнес".

17.00—19.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 17.00 Турк тили дарси. 17.30 Хабарлар. 17.40 "Сезам" кўчаси. 18.10 Туркиядан мактублар. 18.30 Хабарлар. 18.40 Осиёдан куй ва кўшиқлар.

19.00 Душанба куни детектив. "Лаки страйк" таништиради. "Севги ёки пул". Бадий фильм. "Криминал ҳодисалар" туркумидан. 19.55 "Мен сенинг овозингни қайта эшитдим". Р. Желаксва.

21.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ ХАБАРЛАР.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.35 "Формула-1" классиди



автопойга бўйича жаҳон чемпионати.

СЕШАНБА

13 АПРЕЛЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Куйла, дуторим". Фильм-концерт. 7.50 Дунё хабарлари. 8.00 "Кувноқ эскадрон". Бадий фильм. 9.05 Ўзбек тилини ўрганамиз. 9.35 Болалар учун. "Илҳом чашмалари". 10.15 "Ўзбекистон". Телевизион киножурнал. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Ахборотларни кодлаш усуллари. 11.00 "Кичкинтой" студияси. "Танишинг, Ширинтой". 11.30 "Қизил Яримой шуъласи". 12.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилар. 18.10 "Истиклол фидойилари". Телеочерк. 18.30 София Сафтарова куйлайди. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Спортлото". 19.25 "Фахрийлар — фахримиз" 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Оқшом эртақлари". 20.25 Ўзлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 "Сумалак" халқ рақс ансамблининг концерти. 21.30 "Адолат". Ҳуқуқий публицистик кўрсатув. 22.10 "Лев Толстой". Бадий фильм. 2-серия. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

18.00 Янгилар. 18.10 "Уолт Дисней таништиради...". Мультифильмлар тўплами. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Мусиқий меҳмонхона. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Йўлингиз бехатар бўлсин!". 20.40 Шарқ лирикаси. 21.00 "Бу оқшомда". 22.10 Ўзлонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Кувноқ нотачалар". 8.35 "Оддий Мария" Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.20 "Провинциал салон". 9.40 "Гол". 10.10 "440 герц". 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс 11.20 "Покров дарвозаси". Телевизион бадий фильм. 13.35 Мультифильм. 13.50 "Эркак ва аёл". Телефильм премьераси (Башқортостан Давлат телерадиокомпанияси).

14.00 Янгилар. (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Ишбилармонлар хабарномаси". 14.40 "Адам Смит бойлиги дунёси". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "50x50" томошаси. 16.30 "Гол" 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Дунёнинг томонлари" кўрсатувини таништиради. 17.55 "Мулкдор алифбоси". 18.10 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.55 "Мавзу". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ўзлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Оппоқ либослар". Етти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 6-серия. 21.50 Космонавтика кунига бағишланган концерт. Танаффус пайтида. (23.00) — Янгилар. 24.00 "Максима". 00.30 "L — клуб". 01.15 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Мультифильм. 8.05 "К-2" таништиради. "Оскар-93". 9.50 "Саховат кўрсат". 10.35 "Параллеллар". 10.50 Кундузги сеанс. "Чукотка бошлғи". Бадий фильм. 12.20 Мульти-пульти. 12.35 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.45 "Вероника". Мусиқий кўрсатув. 14.05 "Бурда моден" тавсия этади... 14.35 "Телебиржа". 15.05 Янгилар. 15.20 "Рост" студияси. "Кенгуру". 15.50 Трансросэфир. "Замоскворечьеда байрам". 16.35 Мультифильм. 16.45 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

17.00—19.05

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 17.00 Турк тили дарси. 17.30 Хабарлар. 17.40 "Сезам" кўчаси. 18.10 Туркиядан мактублар. 18.30 Хабарлар. 18.40 Осиёдан куй ва кўшиқлар.

19.00 Душанба куни детектив. "Лаки страйк" таништиради. "Севги ёки пул". Бадий фильм. "Криминал ҳодисалар" туркумидан. 19.55 "Мен сенинг овозингни қайта эшитдим". Р. Желаксва. 21.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ ХАБАРЛАР. 21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.35 "Формула-1" классиди

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 17.00 Турк тили дарси. 17.30 Хабарлар. 17.40 "Сезам" кўчаси. 18.10 Мусиқали дақиқа. 18.30 Хабарлар. 18.40 Мусиқа.

19.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 153-серия. 19.55 "Мариинск театрида В. Андреев номидаги халқ чоғлу оркестрининг юбилеи". 1-кўрсатув. 20.40 "Бизнес: янги номлар".

21.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ ХАБАРЛАР.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "Асил ҳолича". 22.25 "Бўйсунмас купина". 23.20 Криминал хабарлар экран. 23.50 Спорт кўрсатуви. 23.55 "Санъат майдони".

ЧОРШАНБА

14 АПРЕЛЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Ҳамал қувончлари". Қашқадарё вилояти Ғузор туманидан кўрсатув. 7.45 Дунё хабарлари. 7.55 "Инсон қалби ҳақида қисса". Бадий фильм. 1-серия. 8.55 "Табиат — ҳаёт чашмаси". Кинопрограмма. 9.45 Турк тили. 10.15 "Еш рассомлар кўргазмаси". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилиш. 11.00 "Аёл қадр". 11.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё. Металлар. Саноатда металларнинг олиниши. 12.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилар. 18.10 "Талабалик йилларим". 18.35 "Қуёш кулган кун". Навоий вилоятида Наврўз тантаналари. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Қўшиқларда қолган муҳаббат". Бахтиёр Йўлдошев. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Оқшом эртақлари". 20.25 Ўзлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 "Ватани севмоқ имондандир...". 21.30 "Инсон ва замин". Наманган вилоятдан кўрсатув. 22.30 "Бир лаҳзалик кўрқув". Бадий фильм. 23.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 Янгилар. 18.10 "Суҳбатга чорлаймиз". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Иқтисодчилар мактаби". 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Спринт". 20.30 "Космонавтика уфқлари". 21.15 Хужжатли фильмлар саҳифаларидан. 22.15 "02" тўлқинида. 22.35 Голландияда бўлиб ўтган халқаро театр фестивали ҳақида.

"ОРБИТА IV" 4.55, 14.20, 20.25, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.25 Мультифильм. 8.35 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.20 "Деразаси телемарказга қараган уй". Телефильм премьераси (Иркутск). 9.40 "Менга кўшиқ куйлаб бер, Прокошина". 10.10 "Веди". 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс 11.20 "Уч йил". Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 13.40 Мультифильм.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 Мультифильм. 15.45 "Қизлар ўртасидаги сир". 16.05 "Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?" 16.20 "Парвоздаги уй". Кўп серияли мультифильм премьераси. 7-серия (АҚШ). 15.50 "Технодром". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Ишонч ёрлиги" кўрсатувини таништиради. 17.45 Липецкдан фольклор ансамблининг чиқиши. 18.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм

премьераси. 18.45 "Миниатюра". 19.00 "Бўлмагур гап". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ўзлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Оппоқ либослар". Етти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 7-серия. 21.55 "Матбуот-экспресс". 22.05 "Останкино-93" хит-паради. 23.00 Янгилар. 23.40 "100 С". Журналистик тадқиқот.

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Тонги концерт. 8.10 "Асил ҳолича". 9.05 "Ксюша ҳузурда". 9.35 Ишдан бўш пайтингда. 9.50 "Санъат майдони". 11.05 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 153-серия. 11.55 "Пилигрим". 12.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.05 "03" кўрсатуви. 13.35 "Мутлақо махфий". 14.30 "Мансаб алифбоси". 14.45 "Сигнал". 15.00 Янгилар. 15.15 "Рост" студияси. "Бефойда сабоқлар". 1-қисм. 15.45 Трансросэфир. "Узоқ Шарқ". 16.30 Христианлар учун кўрсатув.

17.00—19.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 17.00 Турк тили дарси. 17.30 Хабарлар. 17.40 "Сезам" кўчаси. 18.10 Туркиядан мактублар. 18.30 Хабарлар. 18.40 Мусиқа.

19.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 154-серия. 19.55 "Катта жанжал". Рукн премьераси. 20.40 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

21.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ ХАБАРЛАР.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "Катта давра". 21.40 "Улар анчадан бери кутишпти". 22.25 "Номлар". М. Шуфутинский. "Ҳақиқат онлари" кўрсатувиغا илова. 23.20 Парламент хабарномаси.

ПАЙШАНБА

15 АПРЕЛЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон ахбороти". 7.25 "Дарахт ва унинг новдалари". Телефильм. 7.55 Дунё хабарлари. 8.05 "Инсон қалби ҳақида қисса". Бадий фильм. 2-серия. 9.20 Араб тили. 9.50 "Хоразмлик". Телефильм. 10.00 "Қишлоқ тадбиркорлари". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Уруғ. 11.00 "Абдулла Қаҳҳор". Телефильм. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик. Ўсимлик ва ҳайвонот олами. 12.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилар. 18.10 "Сихат-саломатлик". Илмий-оммабон кўрсатув. 18.55 Кинолаҳза. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Камолот йўли...". Муяссар Қосимова ва Сойибжон Ниёзов. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Оқшом эртақлари". 20.25 Ўзлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 "Марказий Осиё давлатлари: ягона мақсад йўлида". 21.25 "Дилларда баҳор". Киноконцерт. 22.05 "Ўрдак кули воқеаси". Бадий фильм. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

18.00 Янгилар. 18.10 Мусиқий дақиқа. 18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Ён дафтардан сакланинг". 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 Тижорат канали. "Наврўз" — дўстларимиз шодиёнаси. 20.30 "Бу оқшомда". 21.45 "Оила". 22.45 Ўзлонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV" 4.55, 14.20, 17.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Тингланг, томоша қилинг". 8.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.25 "Ҳайвонот оламида (сурдо таржимаси билан)". 10.20 "...16 ёшгача ва ундан катталар". 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар. 11.20 Театр шинавадалари, Сизлар учун! С. Михалков. "Балалайкин ва К". Фильм-спектакль. 13.30 "Озодликнинг бир лаҳзаси". Хроникал-хужжатли видеофильм премьераси. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Ён дафтар". 15.20 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Таниш нотанишлар" кўрсатувини таништиради. 15.45 Мультифильм. 16.15 Сурия

телевидениесининг кўрсатувлари. 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 "Клаус Штайльман". Ҳаммабон мода". 18.00 "... 16 ёшгача ва ундан катталар". 18.30 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.15 "Сибсат" студияси таништиради. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ўзлонлар. 20.00 Янгилар. 20.20 Сурия телевидениесининг кўрсатувлари. Телеэкранда биринчи марта "Доклад". Бадий фильм. (Сурия). 22.05 "30 йил ва уч дақиқа". 22.35 Ф. Шопен асарларидан концерт. 23.00 Янгилар. 23.35 "Ҳамма нарса бўлиши мумкин". 00.05 "Матбуот-экспресс". 00.15 Футбол. "Уэмбли сари йўл".

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Мульти-пульти. 8.15 "Нота бене" студияси. 9.10 Л. Пантелеев. "Ишонаман". Телеспектакль. 10.15 Мультифильмлар. 10.30 "Чернобыль Момаҳавоси". Хужжатли фильм. 10.40 "Параллеллар". 10.55 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 154-серия. 11.45 "Қадимий Сурия тупроғида". 12.35 "Видеосъерият". Г. Державин. 12.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.05 Такрорий фильмлар кинотеатри. "Санников ери". Бадий фильм. 14.35 Хужжатли фильм. 15.05 Янгилар. 15.20 "Мағлубиятсиз ўйин". 15.45 "Трансросэфир". 16.30 "Ишнинг кўзини биладиган одам".

17.00—19.20 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 17.00 Турк тили дарси. 17.30 Хабарлар. 17.40 "Сезам" кўчаси. 18.10 Мусиқали дақиқалар. 18.30 Хабарлар. 18.40 Маданият ва ислом.

19.20 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 155-серия. 20.10 Мультифильм. 20.25 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "Устанинг дастхати". 22.20 Спорт кўрсатуви. 22.25 "Ватаним менинг". 23.20 "Клип хйёбони". 23.35 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

ЖУМА

16 АПРЕЛЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Танбур". Фильм-концерт. 7.45 Дунё хабарлари. 7.55 "Қўш қопқон". Бадий фильм. 1 — 2-сериялар. 10.00 "Чаман гулдастаси". Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 80 йиллиги олдидан. Республика ўқувчилар саройи қошидаги "Чаман" фольклор рақс ансамблининг концерти. 11.00 "Мақтаб ва ҳаёт". 11.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.45 Кўрсатувлар тартиби. 17.50 Янгилар. 18.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиони. Олий лига. "Пахтакор" — "Бинокор" (Қибрай). 2-тайм. "Пахтакор" Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. 18.50 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Элга хизмат". Ўзбекистон Республикаси ўт ўчириш хизматининг 75 йиллигига. 19.50 Мусиқий дақиқалар. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 "Оқшом эртақлари". 20.25 Ўзлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 "Янгрисин шўх яллалар". Концерт. 21.55 "Мерос". Усмон Носир таваллудининг 85 йиллиги олдидан. 22.35 "Жадвалдан ташқари поезд". Бадий фильм. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

17.00—19.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ 17.00 Турк тили дарси. 17.30 Хабарлар. 17.40 "Сезам" кўчаси. 18.10 Туркиядан мактублар. 18.30 Хабарлар. 18.40 Осиёдан куй ва кўшиқлар.

19.00 Душанба куни детектив. "Лаки страйк" таништиради. "Севги ёки пул". Бадий фильм. "Криминал ҳодисалар" туркумидан. 19.55 "Мен сенинг овозингни қайта эшитдим". Р. Желаксва. 21.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ ХАБАРЛАР. 21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.35 "Формула-1" классиди

17.45 "Байкем, Эжем жана биз". 18.00 "Минбарларга қайтиб". Дунган тилида кўрсатув. 18.30 Хабарлар (рус тилида). 18.40 "Дабар Нурали". 19.10 Криминал ҳодисалар. 19.30 "Жаз эргуусу". 20.30 Хабарлар (қирғиз тилида). 20.50 "Назар" (билдирувлар, эълонлар). 20.55 Қирғизистон Республикаси Олий Кенгашининг сессиясида.

"ОРБИТА IV" 4.55, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 Мультифильм. 8.35 "Зазеркалье". Гўзал Василиса". Бадий фильм. 10.00 "Саҳатчилар

клуби“ (сурдо таржимаси билан). 10.50 “Матбуот-экспресс“. 11.00 Янгиликлар. 11.20 “Америка М. Таратута билан“.

Кундузги киноэкспресс
11.50 “34-тезюрар поезди“. Бадий фильм. 13.10 “01 эшитади“. Хужжатли фильм премьераси. 13.20 Мультфильмлар.

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 “Бридж“. 14.50 “Бизнес-класс“. 15.05 “Ен дафтар“. 15.10 Г. Свиридов. “Қор ёмоқда“. Хотин-қизлар ва болалар хори учун кичик кантата. 15.25 “Зазеркалье“. “Гүзал Василаса“. Бадий фильм. 16.50 “Иш“. 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Далатлараро “Останкино телеканалы “Кутқариш учун буюртма“ кўрсатувини таништиради. 17.45 “Инсон ва қонун“. 18.15 “Америка М. Таратута билан“. 18.45 “Мўъжизалар майдони“. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.05 “Хафтанинг машҳур киши“. 20.40 “КВТ-1“ ва “Франс интернациональ“ канали таништиради. “Улкан улш“. Бадий фильм премьераси (Франция). 22.05 “Матбуот-экспресс“. 22.15 “Чучукмия“. Телфильм.

“ВИД“ таништиради:
22.25 “Сийсий бюро“. 23.35 “Музобоз“. 00.15 “Автошоу“. 00.30 “Хит-конвейер“. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

“ДУБЛЬ IV“
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Мультфильм. 8.05 “Ватаним менинг“. 9.00 “Тилла шора“. 9.30 “Фольклор“. 10.00 Театр сафари. Петербург Малый драма театрининг Лев Долин сахналаштирган “Шайтонлар“ спектаклида. 10.45 Ишдан буш пайтингизда. 11.00 Кундузги сеанс. “Санта-Барбара“. Кўп серияли бадий фильм. 15.55-серия. 11.50 “Оқ қарга“. 12.35 “Дехқонларга тааллуқли масала“. 13.00 “Ижица“. 13.30 “Гап-гаштакларни кўмсаб“. 14.00 “Калугадаги 20-мавсум“. 14.30 “Телебиржа“. 15.00 Янгиликлар. 15.15 “Рост“ студияси. “Бефойда сабоқлар“. 2-қисм. 15.45 “Трансрөзфир“. 16.15 Мультфильм. 16.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 16.55 Спорт кўрсатуви.

17.00 — 17.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 Турк тили.

17.25 Жума куни Дисней. “Ер сайёрасига юборилган“. Бадий фильм. 6-серия.

18.15 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.15 Мусиқали дақиқалар. 18.30 Хабарлар. 18.40 Мусиқа. 19.30 Видефильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.55 Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати..

21.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
Хабарлар. 21.20 Мусиқали дақиқалар.

21.40 Телеэкранда — премьераси. “Улим унчалик қўрқинчи эмас“. Бадий фильм. 23.15 “Телемати“.

ШАНБА
17 АПРЕЛЬ

ЎзТВ I
7.00 “Ассалому алайкум“. 8.00 Дунё хабарлари. 8.10 “Фалокат оёқ остида“. Бадий фильм. 9.40 “Алифбо сабоқлари“. 10.10 “Дилимизда, тилимизда Навоий бобо“. 10.50 “Муҳандис“. 11.30 “Ешлик“ студияси. “Баҳс“. 12.30 “Олий тавлим истикболи“. 13.05 “Халқ ижодиёти“. Кўриклар, яқунлар, режалар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. “Умид учкунлари“. 18.40 Самбо бўйича Ўзбекистон чемпионатидан репортаж. 19.00 “Ўзбекистон“ ахбороти (рус тилида). 19.20 “Илмий лаборатория ва ўқув аудиториялари“. 19.40 Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева куйлайди. 20.10 “Оқшом эрталари“. 20.25 Эълонлар. 20.30 “Туркистон“ ахбороти. 21.00 “Ижод саҳифалари“. Омон Матчон. 22.00 “Ўзбекистон — келажак буюк давлат“. 22.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. “Темирйўлчи“ (Қўқон) — “Динамо“ (Самарқанд). 2-тайм (ёзиб олинган). 23.15 “Подшо Пётр араппи уйлантиргани ҳақида ривоят“. Бадий фильм. 00.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
17.00 АШГАБАТ КўРСАТАДИ.
“ОРБИТА IV“
5.55, 7.30, 14.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Эрталабки гимнастика. 6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.35 “Матбуот-экспресс“. 7.45 “Моторлар оламида“. 8.10 “Марафон-15“ — кичкинтойларга. 8.35 “Ўз-ўзинга мадад бер“. 9.05 Шанба кунги дастхат. 9.35 Инсон институти. 10.05 “Мусиқий дўкон“. 10.35 “Қизил космос“. Телфильм премьераси. 11.05 Ногиронлар ижоди I Бутунроссия фестивали. 12.15 “Учовлон, етовлон, туз“ телеўйини таништирилади. Кино асри, кинонинг турилиши. 12.30 “Афсонавий омади эркаклар“. Бадий фильм премьераси (Чехословакия). 14.00 Янгиликлар. 14.25 “Марказий экспресс“. Европа тележурнали. 14.55 “Ультраси“. Спорт кўрсатуви. Спорт гимнастикаси. Жаҳон чемпионати. 15.50 “Бўри ва қуён: 25 йил биргаликда“. 17.10 “Қизил квадрат“. 17.50 “Қойилмақом етовлон“. 18.45 “Коламбия пикчерс“ таништиради. “Ўн цент учун ўлим“. Бадий фильм премьераси. “Майк Хаммер“ телесериалидан. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.20 “Коламбия пикчерс“ таништиради. “Анна Каренина“. Уч серияли бадий фильм премьераси. 2-серия. 21.20 “Буюк ва қўрнимас Китеж шаҳри ҳақида ривоят“. Телфильм премьераси. 21.50 “Матбуот-экспресс“. 22.00 Янгиликлар. 22.35 “Анота“. В.Гаврилин мусиқасига ёзилган балет. 00.20 Телфильм. 00.30 Диний байрам. Москва шаҳридаги Богоявлен бош черковидан олиб кўрсатилади.

“ДУБЛЬ IV“
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.20 “Оламга ўз нигоҳи билан қараш“. 7.50 Мультфильм. 8.00 “Калит“ кўрсатуви. 8.30 “Рост“ студияси. “Бизнинг “Аралаш-қуралаш“. 9.00 “Пигмалион“. 9.30 “Кузирхоним“. 10.00 Такрорий фильмлар кинотеатри. “Ҳамкасблар“. Бадий фильм.

11.40—16.00
“ЎЗБЕКИСТОН“
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
1. “Безнен мирас“ (татар тилида). 2. “Интерспорт“. 3. “Умид“ (уйгур тилида). 4. “Ягона оилада“ Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг “Булбулча“ болалар жамоаси ҳақида. 5. “Дўстлик маршрутлари бўйлаб“. 6. “Дийдор“ (қозқ тилида). 16.00 “Чегарасиз футбол“.

17.00—17.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 Евросиё. 17.25 Мультфильм. 17.40 “Ҳаёт ҳам, кўз ёшлари ҳам муҳаббат ҳам“.

19.20—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.20 Хужжатли фильм. 20.00 Футбол бўйича Россия чемпионати. “Локомотив“ (Москва) — МАСК. 2-тайм. 20.45 Катталар учун мультфильм. 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 “Юлдузлар билан суҳбатда“. 21.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 21.55 “Дмитрий Паниннинг қайтиши“. 22.25 Москва патриархияси хори куйлайди. 22.55 Мусиқа йирик планда. 23.30 Спорт кўрсатуви. 23.35 “А“ программаси. 00.35 Муқаддас Пасха байрами.

ЯКШАНБА
18 АПРЕЛЬ

ЎзТВ I
7.00 “Шифобахш ўсимликлар атрофимизда“, “Самарқанд“. Телфильмлар. 7.30 “Баҳор тароналари“. Концерт. 8.00 “Туркистон“ ахбороти. 8.30 “Маҳобҳорат“. Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 12-серия. 9.15 Инглиз тили. 9.45 “Яшил чироқ“. Хоразм ва Қорақалпоғистон командаларининг баҳси. 10.45 “Фанга бағишланган умр“. Академик Жўра Саидов. 11.35 “Дўстлик ривожланиши“. Ўзбекистонлик ёш ижодкорларнинг Япония таассуротлари ҳақида. 12.05 “Кичкинтой“ студияси. “Қўнғироқча“. 13.05 “Тошкент“ студияси. “Менинг маҳаллам“. 14.05 Корхонам — иккинчи уйим“. Хужжатли фильм. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 “Мультпанорама“. 18.45 “Аҳвол қандай, чемпион?“. Спорт кўрсатуви. 19.00 “Ўзбекистон“ ахбороти (рус тилида). 19.20 “Билиб қўйган яхши“. 19.40 Тулан Нисом “Четдан“ Видефильм.

20.30 “Ўзбекистон“ ахбороти. 21.00 “Мархабо, талантлар!“ Ўзбекистон Республикаси бадий хаваскорларининг телевизион фестивали. Сурхондарё вилояти. 22.30 “Оқсоқ Дарвиш“. Бадий фильм. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
БИШКЕК КўРСАТАДИ
8.05 — 11.05 “Баластан“ студияси кўрсатади. “Хуш хабарлар“; “Жилдуздуу бала“; “Бобок, сенин жомоғун“; “Кимде кунуо?“. 2-кўрсатув. “Фазогирлар кўчаси“. Бадий фильм, мультфильм.

17.30 Мультфильм. 17.45 Немис тилида кўрсатув. 18.15 Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт (рус тилида). 19.00 “Бугун — тарихий эсталиктерди қоргоонун эл аралик куну“. 19.30 “Қирғиз омор адамдари“. Қирғизистон Республикаси халқ артисти К.Медетбеков. 20.30 Хабарлар (қирғиз, рус тилларида). 20.50 “Энг ёқимли ва жозибадор“. Бадий фильм.

“ОРБИТА IV“
5.50, 7.30, 14.15, 21.45 — Кўрсатувлар тартиби. 5.55 “Рухий чиниктириш“. 6.55 Янгиликлар. 7.35 Эрталабки гимнастика. 7.45 “Спортлото“ тиражи. 8.00 “Марказ“. 8.30 “Эрта сахарлаб“. “Денвер — динозаврларнинг энг сўнгиси“. Кўп серияли мультфильм премьераси. 9.00 “Ҳозирча ҳаммаси жойида“. 9.35 “Ақли болалар ва ақли қизлар“. 10.15 “Пи“ белгиси билан. 11.05 “Қора кўркем от саргузаштлари“. Болалар учун кўп серияли телфильм премьераси. 11.30 Спорт гимнастикаси. Жаҳон чемпионати. 12.10 “Янги авлод танлайди“.

“КТВ-1“ ва “Франс интернациональ“ канали таништиради: 13.00 “Пиф ва Геркулес“. Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.10 “Кусто командасининг сувости оддиссеяси“. Кўп серияли хужжатли фильм премьераси. 14.00 Янгиликлар. 14.20 “Хунарли хор бўлмайди“. 14.30 “Саёҳатчилар клуби“. 15.20 Мультфильмлар премьераси: “Касспер ва унинг дўстлари“, “Ҳақиқий ажина ововсита мулоқот“. 17.05 “Панорама“. Хафталик халқаро кўрсатув. 17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.00 Мультфильм. 18.10 “Маринскда променад“. 19.10 Телеэкранда биринчи марта. “Юпитернинг сонини ўйирлашди“. Бадий фильм. 20.55 Эълонлар. 21.00 “Яқунлар“. 21.50 “Матадор“. 22.50 Катталар учун мультфильм. 23.00 Янгиликлар. 23.15 “Тонг юлдузи“ тунги эфирда.

“ДУБЛЬ IV“
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.20 “Муқаддас яқшаба“. 8.05 “Рост“ студияси. “Бефойда сабоқлар“. 8.35 “Гап-гаштакларни кўмсаб“. 9.05 “Ати-бати...“ 9.35 Кипрас Мажейка. “Жанубий Африкадан репортажлар“.

10.05—11.05
ЎЗБЕКИСТОН“
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
1. “Наврўз — меҳр-шафқат тадбирлари“. 2. “Қизилқўнлар олами“. Созандаларнинг VII республика танлови. 11.05 Эълонлар. 11.10 “45“. Публицистик кўрсатув. 11.55 Биз севган комедиялар. “Ўттиз уч“. Бадий фильм.

13.10—16.10
“ЎЗБЕКИСТОН“
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
1. “Жаҳон ранг-тасвир асарлари жамғармасидан“. Ўзбекистон санъат музейидан репортаж. 2. “Рангинкамон“ (тожик тилида). 3. “Шарқ тароналари“. 16.10 Диснейнинг сеҳрли олами. “Винни-Пухнинг янги саргузаштлари“, “Қора плашч“.

17.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 Маданият ва ислом. 17.30 Хабарлар. 17.40 “Сезам“ кўчаси. 18.10 Мусиқали дақиқалар. 18.30 Хабарлар. 18.40 Яққа хонанда. 19.00 Хужжатли фильм. 19.50 Спорт кўрсатуви. 19.55 “Юлдузлар ёғилганда“.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.20 “Юлдузлар билан суҳбатда“. 21.25 Эй-би-сининг яқшаба оқшоми. “Кучли эхтирослар“. Бадий фильм (АҚШ). 23.10 “Намуна нуҳаси“. “Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз“ дастуридан).

Имконият чегарасини кенгайтириш керак

(Давоми. Боши 1-бетда).

45 нафари касалхонага тушди, 62 ҳолда прокуратура идоралари милицияга қаршилик кўрсатган шахсларнинг ҳатти-ҳаракатларида республика Жиноят Мажмуаси 194-моддасининг I ва 2-қисмларида кўзда тутилган жиноят таркибини кўрдилар. Қисқаси, 1990 йил 31 октябрдаги Қонун билан Ўзбекистон Республикаси конунчилигига киритилган қўшимчалар ўз вақтида қабул қилинган, улар милиция ходимларига бўйсунмаслик ҳамда уларга нисбатан зўравонлик қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш объектив зарурлигини акс эттирган.

Қабул қилинган қонуннинг маънавий томони ҳақида ҳам айтмасдан бўлмайди, кўп жиҳатдан бу қонун туфайли милицияда “норозилик ҳиссиёти“ни бартараф этиш жараёни бошланди. Милиция ходимлари қонунни ҳимоя қилар эканлар, ўзлари қонун ҳимоясидан четда қолганликларини алам билан ҳис этишга мажбур бўлардилар. Ҳуқуқ-тартибот посбонининг ҳуқуқий ожизлигини тасаввур қилиш қийин, албатта, лекин яқин-яқингача аҳвол ана шундай эди. Бемаънилик шу даражага бориб етган эдики, навбатчиликка ва патруль нарядларига чиқаётган милиционерларни рўйхатдаги қуролни олишга мажбур этишарди—ҳимоя воситаси сифатида ҳақиқатдан ҳам фойда келтиришдан кўра ундан фойдаланган таҳдирда кўпроқ ташвиш келтирарди.

Лекин давр ўзгармоқда, бугунги кунда тажовулардан ҳимояланиш, ҳафли жиноятларга барҳам бериш ва шубҳали шахсларни ушлаш учун қуролдан фойдаланилмоқда. Ўтган йили Тошкентда милиция ходимлари ўз тўппончаларидан 28 маротаба фойдаланганлар. Натижада жиноятчилардан 23 киши касалхонага тушди, бештаси қаршилик кўрсатилган жойнинг ўзида ўлдирилди.

1992 йил 18 август оқшомида ўз ҳудудини айланиб юрган участка вакили Омонов подъездга беркинган сояни сезиб қолди. Омонов ўзи яширинган кишининг илгари судданан, Бухоро шаҳридаги махсус комендатурадан қочиб кетган, эндиликда қидирилатган Ф. эканлигини дарҳол пайқайди. Уни қурол ишлатмасдан қўлга олишининг иложи бўлмади — у милиционерга пичоқ билан ҳамла қилиб, икки бор жароҳат етказди. Огоҳлантириш учун бир неча марта ўқ узган Омонов охири нишонга теккизишга мажбур бўлди.

Икки ойдан сўнг шунга ўхшаш ана шу Акмал Икромов туманида жиноят-қидирув ходими Аҳмадхўжаев қидирувдаги Я. ни ушлаш чоғида ўқ отишга мажбур бўлди, чунки у пичоқдан жароҳат олган эди.

1993 йил 4 февралда милиция участка вакили Жаяниевни кўриши биланоқ қоча бошлаган кишининг шахсини аниқлашга ҳалигача муваффақ бўлинмади. Қочқонни тутишга уринган милиционер номаълум кишининг пичоқидан ўзини ҳимоя қилишга мажбур бўлди, фақат узилган ўқгина унинг тажовузига барҳам берди.

Прокуратура идоралари томонидан ўтказилган текширишлар милиционерлар қуролдан қонунга қаттиқ риоя қилган ҳолда фойдаланаётганликларини кўрсатмоқда. Лекин характерли ҳол шундан иборатки, ўқ отишга мажбур бўлган ходимларнинг ҳаммаси ҳамладан ўзларини ҳимоя қилиш ва шубҳали шахсларни ушлаш учун мумкин бўлган барча усуллардан фойдаланиб бўлгандан кейингина ўз тўппончаларидан фойдаланганлар. Оддий қилиб айтганда, еки ҳалок бўлиши, еки муҳолифни “йикитиши“

керак бўлган бир пайтда ўқ узганлар, айни дамда огоҳлантириш учун осмонга отишга ҳам улгурганлар.

Милиционер томонидан қурол ишлатишнинг ҳар бир факти узок вақт “ўтакетган фавқуллодда ҳодиса“ сифатида қараб келинди ва бу қурол уч қарра ҳақли равишда ишлатилган бўлса-да ҳеч ошкор қилинмасди. Бундай “маҳфийлик“ ҳеч бир яхшиликка олиб келмади — безориларнинг аксарияти ҳануз “менинг милиция“ қуролни ишлатмайди, ўз тўппончаларидан фақат хорижий фильмлардаги қаттиққўл полициячилар абжирлик билан фойдаланади, деб ишонадилар.

Ривожланган мамлакатларда полиция гоянда катта ҳуқуқларга эгаллигини билиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Экспертларнинг яқдил фикрига қараганда, Швецияда полицияси... жуда ҳам шафқатсизлиги билан ажралиб тураркан. Американинг хизмат йўриқномаларида полициячиларга огоҳлантириш учун ҳавага ўқ отиш таъқиқланган — полициячининг тўппончани қўлга олиши фактининг ўзи етарлидир, агар ҳуқуқ-тартиботни бузувчи киши буни англамаса — бу унинг муаммоси дейиш мумкин — “шоқинли“ огоҳлантириш талаб қилинмайди.

Беш йил олдин кўп газеталар Москва вилоятда бўлиб ўтган галати бир ҳодисани эзган эдилар. ДАН назоратчиси бир автомобилни тўхтатган. У бўйсиниб тўхтаган, йўловчиларнинг ҳаммаси машинадан чиққан ва... оёқларини кенг очиб, қўлларини машинанинг томига қўйган ҳолда ДАН назоратчиси уларни тинтиб чиқиниш кутиб туришган. Ўз олдида таслим бўлаётган босқинчи тўда аъзолари турибди деб ҳисоблаган милиционернинг қандай хайратга тушганини тасаввур қилиш мумкин! Лекин ҳаммаси оддийгина бўлиб чиқди—машинада Скандинавия мамлакатларидан бирининг фуқаролари кетаётган экан, бу мамлакатда машинани овлоқ жойда полициячи тўхтатса, айни шундай ҳаракат қилиш талаб қилинаркан.

АҚШ қонун-қоидаларига кўра, полисмен тўхташни буюрган автомобиль ҳайдовчиси ўз жойида ўтириши керак. Агар ўзининг қонунга бўйсунмаётганини намойиш этиш мақсадида ҳайдовчи ёки йўловчи ўз ҳолича хужжатини олиш учун чўнтакка қўл солса, полициячи уни қурол олишга уриниш деб ҳисоблаши ва биринчи бўлиб ўқ узиши мумкин. Дарвоқе, АҚШга келувчи сайёҳлар ана шу қоида ҳақида эзма равишда огоҳлантириладилар. Узок вақт совет тартибот воситалари “полициянинг ўзбошимчилиги“ деб айтиб келган ҳол аслида оддий мезон бўлиб қикди.

Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланишини кучайтириш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири бўлди, ўзи амал қилаётган даврда маъмур ҳуқуқий меъёр зарурлигини ва ўз вақтида қабул қилинганлигини исботлади. Лекин ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди. Кун тартибида — милициянинг барча ишини тартибга солувчи Қонунни қабул қилиш турибди. Бу нарса милиция ходимларининг кенг миқёсда ваколатларини уларга берилган ҳуқуқлардан фақат қонун асосида фойдаланиш учун масъулият билан бириктириши таъминлайди, деб ишонгимиз келади. Пухта уюшган, фақат қонунга таянувчи ҳуқуқ-тартибот кучлари барча софдил кишиларнинг манфаатларига жавоб беради.

В. ГОРР.

ДЎСТЛАР ҚУТЛОВИ —

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Абдурашид Шодиев билан шу кеча-кундузда туманда рўй берётган қонунбузарликлар, жиноятлар, уларнинг сабаблари, хусусиятлари, ҳамда вазиятни барқарорлаштириш, жиноятнинг олдини олиш учун кўриладиган чоралар ва қўлланиладиган тадбирлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Абдурашид, ака, авваламбор туман ҳудудидаги оператив вазият ҳақида қисқача тўхталсангиз.

— Ўтган йилги ҳолат билан ҳозирги вазиятни таққослаганимизда яхшигина ижобий натижаларга эришганмиз. Фуқаролар оқолини тинч-лигини таъминлаш учун қилган саъй-ҳаракатларимиз ўз натижаларини кўрсатмай қўймади. Маълумки, ижтимоий вазият жиноятнинг камайганлиги ёки, аксинча, кўпайганлигига қараб белгиланади. Шу боис, демокриманки, биз анчагина барқарорликка эришганмиз. Масалан, 1992 йилнинг 15 мартига содир этилган жиноятларнинг умумий кўрсаткичи 227 тани ташкил этган бўлса, бу йил 197 тага қадар камайган.

— Агар иложи бўлса, содир этилган жиноятларнинг турлари бўйича кўрсаткичлар ва ўтган йилгига нисбатан тафовутини аниқ далиллар билан айтиб ўтсангиз.

— Масалан, кўчада қилинган жиноятлар сони ўтган йили умумий ҳисобда 133 тага етган бўлса, бу йил 112 тага камайган. (Рақамлар 1992 йил I чораги билан 1993 йилнинг I чорагига таққослаб берилмоқда — Н. Ж.).

Жумладан, фуқароларни тунаш ҳоллари 25 тадан 20 тага камайган. Уларнинг соғлиғига жиддий зарар етказган ҳолда тунаш эса ўтган йил ҳисобда 10 та содир этилган бўлса, бу йилги кўрсаткич 6 тани кўрсатиб турибди.

Давлат мулкига кўз олайтириш ва уни ўғирлаш учун қилинган ҳаракатлар 18 тага камайган.

Хавфли жиноятлардан бири ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 209-бандида кўрсатилган жиноятлар сони 14 тадан 10 тага камайган. Буни Давлат автомобиль назорати бўлимидаги ходимларимизнинг ютуғи десак арзийди.

Фуқароларнинг уйларида содир

ОЛИЙ МУКОФОТ

этилган ўғирликлар бўйича ўтган йили 93 та ҳолат қайд этилган бўлса, бу йил 68 тага тушган.

Меҳмонхоналарда юз берган ўғирликлар сони 7 тадан 3 тага камайган.

— Кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, анчагина ижобий ўзгаришлар бор. Жиноятнинг олдини олиш учун қўлланиладиган, ўтказилмаган аниқ тадбирлар ва бунинг шахсий таркибга таъсири ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Қилган ва қилинаётган барча яхши амалларимиз шахсий таркибни “Тўлқин”, “Тун” каби оператив тадбирлар ўтказишга жалб этганимиздадир. Бундай тадбирларда ички ишлар бўлимининг юз фоиз ходимлари иштирок этадилар. Вояга етмаганлар билан шуғулланувчи назорат ходимларидан тортиб, жиноят-қидирув бўлимининг вакилларига ҳам хизматда бўладилар. Бу дегани, қамоқ муддатини ўтаб келган шахслар, милиция назоратидаги болалар, ўсмирларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказилади. Шахсий қуроллари бор фуқаролар қуролларни сақлаш қонунини бузган ёки бузмаганлиги текширилади. Борди-ю, қонунда кўрсатилгандек иш тўтилмаган бўлса, қурол эгасидан олиб қўйилади.

Бундан ташқари, кўп қаватли уйларнинг ертўлалари, томлари синчиклаб текширилади. Текширув жараёнида аниқланган ва бошқа жойлардан шахримизга келиб, ҳеч ерда ишламай юрган, на жамиятга, на ўзига фойдаси тегмайдиган шахслар бўлимага келтирилади ва зарурий чоралар кўрилади.

ДАНБ ходимлари томонидан маълум бир ҳудуддаги автомобиль сақлаш объектлари кўздан кечирилиши натижасида рўйхатдан ўтказилмаган автофалокатлар аниқланади, ўғирланган машиналар қўлга олиниб, бу ишни содир этган шахслар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Энди бу тадбирларни шахсий таркибга таъсири ҳақида гапирсак, улар бўлим ва бошқарма раҳбарлари билан бевосита мулоқотда бўладилар. Бу эса сергакликни, тезкорликни оширади. Бошлиқлар билан шахсий таркиб ўртасидаги

самимиятни, ўзаро уюшқоқликни таъминлайди. Дейлик, тадбир жараёнида бирор жиноятчи қўлга олинса ёки жиноий иш очилса шу ишларни бажарган

ходимларимизга бутун шахсий таркиб олдида уч минг сўм миқдорда пул мукофоти топирилади. Лекин гап пулда эмас, гап шундаки, улар қилган ишларининг натижасини кўрадилар, маънавий-руҳий қувват оладилар, айниқса дўстлар қўлаганларида кўнгиллари кўтарилади. Инсоннинг маънавий дунёси ҳар қандай иқтисодий омилардан устун туради. Агар бунинг акси бўлса, яъни иқтисодий томонга эътибор берилиб, маънавий рағбатлантириш бўлмаса, унинг инқирози муқаррар.

— Абдурашид ака, бу тунги тадбирларнинг ўтказилишини янгича иш услуби, деб тушуна бўладими ва бу тадбирларни ташкил қилиш, ўтказиш ташаббуси ким томондан кўтарилган?

— Бундай тадбирлар илгари ҳам ўтказиларди. Аммо, натижа йўқ эди. Ишни янгиликка йўлга қўйган шаҳар милиция бош бошқармасидир. Биз 1992 йилнинг ноябрь ойидан буён бундай оператив тадбирларни мумкин қадар кўпроқ ўтказишимиз натижасида, жиноятлар сони камайишига, вазиятни барқарорлаштиришга эришдик.

Яқинда Олмаота, Жамбул вилоятларидан штаб бошлиқлари ташриф буюришиб, амалий ҳамда назарий фикр алмашувлар бўлди.

Бундан ташқари маҳаллий аҳолидан келатган миннатдорчилик мактублари, хусусан, маҳаллаларда, олий билим юртларида, мактаблардаги учрашувларга таклиф этилишимиз масъулиятимизни янада оширади ва аҳоли билан муносабатларимизни яхшилайди.

— Шахсий таркибни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашни қандай йўлга қўйилган?

— Хизмат жараёнида қонунбузарлар томонидан милиция ходимига бўйсунмаслик ҳоллари рўй беради. 1992 йил давомида ўз хизмат вазифасини бажарётган пайда қонунбузарлар томонидан 18 та ходимимизга тан жароҳати етказилган. Уларга биз токи соғайиб сафга қайтмагунларича сугурта томонидан моддий ёрдам берамиз.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур!

— Омонлик тилайман.

Суҳбатдош Наврўз Жўраев.

ОЛҒИРЛАРНИНГ ЙЎЛИ ТЎСИЛАЯПТИ

Қайта қуриш бошланганидан бери савдо соҳасидаги кишилар ва “ишбилармон савдогар”ларнинг давом этаётган байрами ҳалигача тугагани йўқ. Нарх-наволардаги ҳар қунги ўзгаришлар улarga бойлик, миллионлаб кишиларга эса ташвиш келтиряпти. Тавба дейиш керак. Завод, фабрикаларнинг йиллик режаларни ошириши билан бажараётганлиги тўғрисида эшитамиз, маҳсулотини кўрмаймиз. Ўйлаб қоласиз, е бизда аҳоли юз баробар кўпайди, ёки ўзга сайёралик хумпарлар ликопчаларда маҳсулотларимизни ташиб кетишяптими? Йўқ, мулоҳаза қиласиз яна, ҳали ҳеч ким ўзга сайёраликлар бирор қоп ун, ёки бирор кило шакар, ёхуд ёғни ликопчасига юклаб кетаётганини кўргани йўқ. Аммо ўзимизнинг одамлар, яъни кўштирноқ ичидаги “ишбилармонлар” ўз халқи нонини туя қилишдан сира уялмаяптилар.

Кундалик эҳтиёж моллари — ун, ёғ, гуруч, шакар ва кийим-кечак, газламаларни кўплаб сотиб олиб, босиб қўйишяётган, хуфийна йўллар билан республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишга уринаётганлар, талон билан ўлчаб берилаётган нарсаларни ўзгаларга қоплаб, тойлаб сотаётган кишилар ўзим бўлсам бас, менга деса халқ очидан ўлса ўлавермайди, қабилида иш тутиб, сунъий тақчилликни юзага келтирмоқдалар.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган “қахрамонлар” ҳам ўзимизнинг орамизда яшайдилар, қолаверса, халқ ризқини беқадр рублга алмаштириб, ўзларини мусулмонман деб кўкракларига уриб юришади. Улар билан суҳбатлашсангиз, чиройли табассум билан иңсофу адолатдан шунақа сермазмун амрумаъруф қиладиларки, тан бермай иложингиз йўқ.

Шу йил 6-Учқўрғон пости ва ички ишлар идоралари ходимлари томонидан Қирғизистон республикасининг Тошкўмир шаҳри тайёрлов идорасига қарашли 94-72 ОШМ юк машинаси тўхтатилиб текширилди. Машинада 107 банка томат маҳсулоти борлиги аниқланди. Томатлар рухсатсиз олиб кетилаётган экан. Товаршунос Тузайим Каманбетова бу нарсаларни аҳолидан сотиб олдим, деб кўрсатма берди. Тузайимхонга 12500 сўм жарима солинди ва томатлар мусодара қилинди. Худди шу постда Қирғизистон республикасининг қарашли юк машинасидан рухсатсиз олиб кетилаётган 1680 кило ун ва 152 кило пахта ёғи қўлга туширилди.

4-Поп постда тўхтатилган машинада ҳам 11 қоп — 495 кило олий нав ун борлиги маълум бўлди. Қаердан олдингиз, деб берилган саволга Тожикистоннинг Ашт тумани фуқароси Нўмонжон

Рўзиев Попда нотаниш кишидан олдим, деб безрайиб тураверди. Бу безрайиш 6000 сўм жарима ва унларни мусодара қилиш билан тугади.

Яна бир ҳодиса Учқўрғон постда содир бўлди. “ТАЗ-53” белгили 88-45 НАЛ рақамли ёниги ташиш машинаси тўхтатилганда Учқўрғон тумани, “Учқўрғон” давлат хўжалигига қарашли шу машина ҳайдовчиси Абдусаттор Мирзарахимов типирчилаб қолди. Сабаби, у Учқўрғон ёғ заводидаги галамислар билан тил топишиб, чигит мойини олишда жуда зарур бўлган қимматбаҳо “Экстра” ёғини олишдан 4218 литр (қиймати 75000 сўм) ўғирлаб Қирғизистонга йўл олган экан. Бу ишга алоқадор 4 киши устидан жиноий иш кўзгатилади.

Савдогарлик, ишбилармонлик деганда кўпчилик фақат олиб сотишни тушунар экан.

5-Янгиқўрғон постига К 33-01 НА рақамли “Жигули” машинаси яқинлашиб кела бошлади. У тўхтатилганда 825 метр костюмлик газлама борлиги ва эгаси Тоҳирбой Йўлдошев бу газламаларни рухсатсиз Қирғизистонга сотиш учун олиб кетаётганлиги маълум бўлди. Юк мусодара қилинди, Тоҳирбой эса жарақлатиб 6000 сўм жарима тўлади.

Орадан икки кун ўтиб, Чортоқ постда 120 кило, сариёғ, 18 кило пахта ёғи, Учқўрғон постда 200 кило маргарин, Косонсой постда 160 кило макарон, Чортоқ постда 2000 килограмм шакар, салкам икки тонна ун ва 156 кило пахта ёғи тутиб қилинди.

Лекин юқорида ёзганларимиз Наманган шаҳар яқка тартибда уй қуриш бошқармаси бошлиғи Маҳмуджон Мамажоновнинг қилмиши олдида ҳеч нарса эмас экан. У олтига юк машинасига пилла юклаб кетаётганда Попда тўхтатилди. Маҳмуджон Тошкентга кетаяпти, деб хужжат кўрсатди. Бу хужжат ходимларда шубҳа уйғотди ва қани кўрайлик-чи, деб қўйиб юборишди. Машиналар қарвони Тожикистон чегарасига етганда улар ҳам етиб боришди ва Маҳмуджоннинг Тожикистонга кетаётганини аниқладилар. Қарвон ортага қайтарилди, 9022500 сўмлик халқ мулки сотиб юборилишдан асраб қилинди.

Биз Наманган вилоят божхонасининг ИЖК, ДАН, жиноят-қидирув ходимлари билан ҳамкорликда бажараётган ишларидан айримларини мисол келтирдик, холос. Улар ҳар қунги тонналаб озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат молларини вилоят аҳолисига қайтаришяпти.

Исроилжон МАДРАҲИМОВ,
милиция подполковниги.

МЕҲМОНИГА ЯРАША ИЗЗАТИ

Фаргона шаҳар ИИБ Фрунзе мавзеси милиция участка вакиллари И. Эшонкулов, Р. Умаров ва М. Утановлар ўз бурчларини бажариб, Комаров кўчасининг қоронги қисмларини назорат қиладиганларида бир номаълум шахс қоп орқалаганча шошиб-пишиб кўчадаги 30-уйга кириб кетаётганига назарлари тушиб ва зудлик билан унинг орқасидан боришга қарор қилишди. Биринчи бўлиб 32-хонадонга киришди. Бу ерда муқаддам бир неча бор судланган, милиция назоратида турган Валентин Кирица битта сариқ итнинг терисини шилаётганининг гувоҳи бўлишди.

Хонада уч хотин, уч эркак бўлиб, ҳаммаси маст ҳолда папирос чекиб ўтирарди. Унинг орасида милиция томонидан ўғирлик қилгани учун қидирилатган Михаил Арслонов ҳам ўтирар эди. Уни ушлашга интилган милиция капитани Эшонкуловга Михаилнинг жазмани Дилора Иванова қаршилик кўрсатишга тушди.

Жиноятчилар қанчалар уринмасин барибир посбонлар томонидан қўлга олинди. Иванова ва Кирица суд қарори билан жарима тўлади, Арслонов ҳибсага олинди, тергов кетмоқда.

Шундай қилиб, меҳмонларнинг пойига сўйилган ит қозонга тушмай қолаверди.

А. АҲМЕДОВ,
Фаргона шаҳар ҳокимлиги маъмурий
комиссия аъзоси.

ШАЙХОНТОҲУР туманидаги бозор доимо сотувчию харидорлар билан гавжум. Бозор бозорда. Унда пешона тери билан етиштирилган маҳсулотини сотаётганлар ҳам, пул дардида орияти, диёнатидан кечиб, чайқовчилик қиладиганлар ҳам бор.



Аммо кейингиларига бас келиш осон кечмаяпти. Чунки уларда, юқорида айтганимиздек, орият, инсоф, диёнат йўқ-да. Ўзларига ўхшаганлардан енг ичида камёб молларни оладилар, кўзларини лўқ қилиб (баъзан баланддан келиб), бир неча баробар қимматига пуллавердилар.

Суратларга муҳрланган ушбу мол-матоллар ана шу чайқовчилардан (ноқонуний ҳолда сотаётганларида) олинган. Кўпчиликка жуда-жуда зарур моллар. Айниқса, кашандаларга. Чайқовчилар учун бу айна муддао. Пул ишлайверишади... Бузоқнинг қочгани эса, сомонхонагача...

Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган суратлар.



Газетамиз саҳифаларидан бирида Фаргона нефтни қайта ишлаш заводида юз берган йирик аварияда ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари кўрсатган қаҳрамонлик ҳақида сўз юритилган эди. Уша воқеаларга яна қайтарканмиз, бу ҳақда батафсил сўз юритиш ниятидамиз. Уша куни капитац Станниковнинг ҳарбийлаштирилган отряди диспетчерхонасида осойишталик ҳукм сурмоқда эди. Ўт ўчирувчиларнинг куни тинч, осойишталик билан ўтаётгани. Шахсий таркиб техникани кўздан кечирар, жанговар хизматга шай ўт ўчирувчилар постда ҳушёр турар эдилар.

Лейтенант Уфимцев уша куни оператив навбатчи эди. У бу ерга яқиндагина келган. Отаси — Дмитрий Иванович Уфимцев ички ишлар идораларида лейтенантдан подполковниккача бўлган йўлни босиб ўтган ва шу вақт ИИБ ёнғиндан сақлаш бўлими бошлғининг ўринбосари бўлиб ишларди.

Пультда тўсатдан янграган кўнғироқ фалокатдан дарак берди.


— Алло... Авария. Ҳа, тезроқ. Портлаш юз бериши мумкин, — оғир нафас олаётган киши шоша-пиша, ҳаяжондан дудуқлашиб гапирарди. Кўнғироқ қилишдан олдин бутун цех бўйлаб телефон аппаратига чопиб келганлиги сезилиб турарди.

Нефтни қайта ишлаш заводидан телефон қилишган эди. Уфимцев воқеа ҳақида тезда отряд бошлиғига хабар қилди. Одатдагидек лўнда команда берилди.

— Машиналарга!

Двигателлар товуши оламни тутди. Юк машиналари, енгил машиналар, автобусларнинг ҳайдовчилари йўлни бўшатиб, четга чиқишар, йўловчилар ташвиш билан ўт ўчирувчиларга боқардилар.

Тўғри, ҳеч қандай кўрkinчли ҳодиса юз бермади, лекин шундай бўлишига оз қолган эди. Иш қурилмаларидан бирининг босими



кескин пасайиб кетган экан. Резервуардаги кўзга кўринмас тиркишдан пропан вишиллаб чиқар, захарли ҳид хонани ва унга туташган ерларни тўлдириб юборганди. Ҳар бир дақиқа ҳисобда. Таъмирчилар ва ўт ўчирувчилар зўр бериб ишламоқда эдилар. Бирок...

Ярқ этган олов ҳаммаёқни еритиб юборди. Портлаш юз бермади, лекин шикастланган резервуардан баҳайбат қиличга ўхшаган кўм-кўк аланга гувиллаб отилиб чиқди. Уша лаҳзада олов тез алангаланадиган суюқлик солинган идишлар узра кўшни қурилмаларга югурди. Бошқа бир хавф ҳам пайдо бўлди. Ҳароратнинг юқорилигидан яқин атрофдаги газли резервуарлар ҳам ениши мумкин! Яъни, бутун завод портлаши ҳеч гап эмасди. Ўт ўчирувчилар олов ичида қолган крекнинг қурилмасига қараб югурдилар.

Олов гувиллаб йўлни тўсиб қўйди, олдинга юришнинг иложи қолмади. Ҳарорат ҳам беҳад кўтарилиб, фалокатни шиддат билан яқинлаштира бошлади. Гизиллаб ўтаётган вақт ҳаёт билан ўлим ўртасидаги ораликни қисқартирарди. Лекин бу ҳақда ўйлашга ҳам вақт йўқ. Тез орада

Ёддан чиқмайдиган жасорат

алангани ўчира олмасликлари аниқ бўлиб қолди. Машиналарнинг кўпчилиги қурилмаларни совутишга киришди. Кўпик сочувчи воситалар ўз имкониятларини сарфлаб бўлган эди.

Шу орада вилоятнинг қўшни шаҳар ва туманларидан ёрдам кела бошлади. Ўт ўчириш машиналари Андижон ва Намангандан ҳам бу ерга шошилмоқда эди.

Шу пайт ўт ўчирувчиларга яқин турган резервуар портлади. Дахшатли зарб тўлқини қулоқлари том битган кишиларни бир четга улоқтириб юборди. Кўпларнинг кийимлари ена бошлади. Энг хавfli участкада ишлаётган Станников аланга ичида қолди. Ўт ўчирувчилар у юзини қўллари билан бекитган ҳолда олов ҳалқасидан югуриб чиққанини, капитаннинг устидаги брезент епингич енганини, ўзи бир

неча кадам ташлаб ерга юз тубан йиқилганини кўрдилар.

Аланган оташ ичида қолган кишилар ўзларини ҳам унутдилар, бир неча киши командирга ёрдам беришга ташланди. Ҳаммадан олдин Александр Уфимцев югурди. У ўз устидан сув куйиб, аланга ичига қараб чопди. Ажал ҳидини таратаётган олов унинг йўлига ўтиб бўлмас гов кўйгандек эди. Александр олов ичра дадил қадам қўйди. Қовжираган ҳаводан нафас олиб бўлмас, оғриққа чидаш мумкин эмасди. Етиб олса бўлгани... У югуриб командирнинг олдига келди, ҳаракатсиз гавдани кўтариб орқага чопди.

Исроил Дехқонов ҳам олов ҳалқаси ичида қолиб кетганди. Ҳавфсиз жойга олиб чиқишганида Исроил беҳуш эди. Дехқонов билан Станниковни тез ёрдам машинаси олиб кетди. Уфимцев касалхонага боришдан қатъий бош тортиди. Тишини-тишига қўйиб, оғриққа бардош бераётган лейтенант яна олов билан муҳорабага киришди.

Тез орада ёрдам етиб келди. Икки соатлик қизгин курашдан сўнг, ниҳоят, ёнғин ўчирилди. Ўт ўчирувчилар жонларини ҳам аямай давлат мулкани сақлаб

қолдилар. Ёнғиндан сақлаш бўлинмаларнинг ходимлари В. Нутин, В. Корнев, Д. Мелибоев, В. Лисиков, Т. Мўминов, В. Степаненко, М. Турдалиевлар айниқса фидокорлик кўрсатдилар. Уларнинг жасоратидан руҳланган завод ишчилари ҳам четта чиқиб туришмади.

Кўпни кўрган ва янги келган ўт ўчирувчилар, офицер ва оддий аскарлар, муҳандис ва слесарлар бир ёқадан бош чиқариб офатга қарши курашдилар. Уруш дахшатларини кўрган энг еши улуг ўт ўчирувчи элликлан ошиб кетган, яқиндагина армия хизматини ўтаб келган энг еш фидокор эса энди йигирмага кирган. Уларнинг ҳар бири зиммасига нима қилиб бўлсада, фалокатнинг олдини олиш вазифаси юклатилган эди. Бу вазифа шараф билан бажарилди.

Кўп кишилар жароҳатланди. Отряд командири Станников ва унинг жанговар сафдоши Дехқонов ҳалок бўлди. Нуриддинов, Уфимцев, Пулатовлар оғир жароҳат олдилар.

Бахтсизликдан бутун Фаргона хабар топди. Заводлар, қурилишлар, илмгоҳлардан касалхонага кишилар еғилди, улар ўз қонларини, кўчириб ўтказиш учун ўз териларини бермоқчи эдилар. Буни олов билан курашнинг давоми деса ҳам бўлади.

Мардлғи ва матонати учун ўн бир киши «Ёнғиндаги жасорати учун» медали билан тақдирланди. Тўрт киши янада юқорироқ мукофотларга сазовор бўлди, лекин улардан фақат икки киши — ота-бола Уфимцевлар мукофотларни ўзлари олдилар. Ўғил «Жанговар хизматлари учун» медали билан, ота — «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланди.

Станников ва Дехқонов вафотларидан сўнг орденлар билан мукофотландилар. Фаргона кўп нарсаларни кўрган, билди ва едида сақлайди. У ана шу кишиларнинг жасоратини ҳам унутмай.

В. ЗАХАРОВ.



МАХСУС ВОСИТАЛАР — КАТТА КУЧ

Ҳар бир халқ хўжалик корхонаси, давлат муассасаларини, мураккаб жараёнда ишлаётган кимё заводлари ва шунга ўхшаш фабрика ва комбинатларни портлаш ва ёнғиндан сақлаш учун мосламалар ўрнатиш шу куннинг зарурий талабидир. Эътибор берайлик, шу 1993 йилнинг ўтган даври мобайнида республикамизда 3654 мартаба ёнғин содир бўлиб, давлатга 56 миллион сўмлик зарар келтирилди, ёнғин касофатидан 49 киши ҳалок бўлди.

Ёнғиндан ва тутун чиқишдан хабар берувчи ва автомат тарзда ёнғинни ўчириш воситаларидан фойдаланилганда, уларнинг созлиғига старли эътибор берилганида, ҳамма корхона ва идора раҳбарлари уларни таъмирлаш ва техник созлиғини таъминлашга ўз вақтида қараганларида эди юқорида айтилган ёнғинларга ва ундан кўрилган талофотларга йўл қўйилмаган бўларди. Ҳозирги вақтда ҳаммаси бўлиб 72 минг корхона ва идоралар ёнғиндан хабар берувчи ва ёнғинни автомат равишда ўчирувчи воситалар билан жиҳозланган. Ўтган 1992 йилда республикамизда содир бўлган ёнғинлар автомат усулда ўчирилиши ёки ўз вақтида хабар берилганлиги натижасида 159

миллион сўмлик халқ хўжалик моллари ёниб кетишдан сақлаб қолинди.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг Бериуий туманидаги пахта толасини қайта ишлаш корхонасида 1992 йил 10 октябрь куни рўй берган ёнғинни автомат воситалар ўз вақтида ўчирганлиги туфайли бир неча миллион сўмдан ортиқ маҳсулотлар ёниб кетишдан сақлаб қолинди. Самарқанд вилояти Челақ туманида жойлашган бош савдо дўконига 17 ноябрь куни ёнғин бошланиши билан автомат ускуналар тез хабар берди. Натижада бу ерда ҳам катта миқдордаги халқ мулки асраб қолинди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Яна бир марта таъкидлаб ўтмоқчимиз: ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғинни автомат равишда ўчириш воситалари соз ҳолатда бўлса, ёнғин содир бўлган пайтларда халқнинг кўп миллион турадиган мол-мулкани сақлаб қолиш мумкин.

Лекин афсуски, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходимлари томонидан текширишлар ўтказилганда бир қанча катта-катта корхоналар ва идоралар раҳбарларининг лоқайдликлари туфайли бу воситаларнинг қаровсиз, носоз,

яроқсиз ҳолатда эканлиги маълум бўлди.

Бир нечта мисол келтирамиз. Хива шаҳар гилам ишлаб чиқариш корхонасида (бошлиғи И. А. Аҳмедов) ёнғинни автомат равишда ўчириш воситалари техник жиҳатдан қаровсиз, яроқсиз ҳолатда.

Термиз шаҳрининг «Сурхон» меҳмонхонасидаги (директори Т. Дурдиев) автомат воситалар таъмирланмаган. Гулистон шаҳар мусиқа билим юртида (директори Ю. Норбўтаев), Бухоро пойабзал фабрикасида, Қўқондаги пайпоқ тўқиш фабрикасида ҳам автомат ускуналар носоз ҳолда, қаровсиз ётибди.

Айни бугунги иқтисодий тангликда ҳар биримиз ўз хизмат бурчимизни виждонан бажарсак, ҳар бир имкониятдан, қўлимиздан келган ҳамма чора ва тадбирлардан омилкорлик билан фойдалансак халқ мулкани, одамларнинг ҳаётини сақлаб қолган бўламиз.

А. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁСБ
меъёр амалиёти бўлими катта
муҳандиси, ички хизмат капитани.

ЎЗБЕКИСТОН ИИВ ЁСБ МАТБУОТ ГУРУҲИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Жорий йилнинг 31 мартдан 4 апрелига қадар республика бўйича 196 бор ёнғин ҳодисаси юз берганлиги қайд қилинди. Ёнғинларнинг қарийб етмиш фонз турар жой биноларига содир бўлган. Кўрилган моддий зарар икки миллион сўмдан ошиқ. Етти киши эса куйиш натижасида тан жароҳати олган.

31 март куни Самарқанд шаҳрининг Амир Темур кўчасида жойлашган «Тиллақори» номли хусусий корхонага қарашли «Малика» дўконидан чиққан ёнғин туфайли дўкондаги чет элларда ишлаб чиқарилган радиотехника воситалари ёниб кетган. Ёнғин сабаблари ва кўрилган моддий зарар аниқланмоқда.

Яна бир ёнғин худди шу куни Андижон вилояти Бўз туманидаги Жалолов номли жамоа хўжалигида юз берди. Хўжалиқнинг Янги ҳаёт участкасида яшовчи М. Жалиловнинг уйи ва уй жиҳозлари куйиб кетди. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, моддий зарар 100 минг сўм атрофида.

2 апрель куни Хоразм вилояти Хонқа туманидаги Ғалаба давлат хўжалигида истиқомат қилувчи Зариповнинг уйда юз берган ёнғиннинг сабабчилари болалар бўлди. Уларнинг ўйинқароқлиги хонадон соҳибига анча қимматга тушди. Зарипов айвонининг ёниб кетганлигига куймаслиги мумкин, аммо икки тонна шолисининг куйиб қолгани ачинарли ҳодиса албатта.

Навоий вилояти Қизилтепа туманида яшовчи Жумаев биратўла 3 бош қорамоли, олтига қўйи ва қурилиш материалларидан айрилди. 3 апрель куни унинг хонадонидан чиққан ёнғиннинг оқибати шундай тугади. Сабабчилари эса яна болалар.

Х. ОРИПОВ,
Ўзбекистон ИИВ ЁСБ матбуот гуруҳи ходими.

ДИЛЛАРДА — УМИД, ЭЗГУЛИК, ПОКЛАНИШ

Серкўёш ўлкамизнинг сулув, эрка келинчаги Наврўз ташриф буюрганига ҳам ҳеч қанча вақт бўлмади. Бу анъанавий айёмимизнинг туганмас завқ-шавққа тўла нафаси мустақил юртимизда кезиб юрибди. Наврўз, шунингдек меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, хотиротлар тугён- урадиган давр ҳамдир. Қалби эзгулик, покланиш руҳи билан сугорилган халқимиздан, хоҳ ижодкор бўлсин, хоҳ деҳқон, хоҳ сафдош, таҳририятимизга кўпла б мактублар келмоқда. Қуйида инсонийликни, оқибатни тараннум этувчи номлар билан танишасиз.

ХОТИРА

...Одатда яхши одамлар доим эсга олинади. Ҳаётдан кўз юмгач эса хотирланади. Айниқса, Наврўзи оламнинг нафаси уфуриб турган маҳалда дилларда хотира туйғуси уйғонади. Сиймоси хотирамизда ёрқин турган инсон Аюпжон Мансуров 30 йилдан ортқ ички ишлар идораларида меҳнат қилиб, халқ осойишталиги йўлида умрини бахшида қилган. У киши 1932-1934 йиллар Қизил Байроқли кавалерия полкида бўлинма командири бўлди. 1934-1935 йиллари Ўрта Осиё ишчи-деҳқон ўрта бошлиқлар тайёрлайдиган милиция мактабда таълим олди. 1935-40 йиллардан бошлаб Янгиарик, Хива милиция бўлимларида паспорт столи бошлиғи, кейинчалик Хоразм ички ишлар Халқ Комиссариатида катта тезкор вакил, 1943 йилдан 1961

йилгача Қўшқўпир, Хонқа, Гурлан тумани милиция бўлимларида бошлиқ муовини ва бошлиқ вазифаларида фаолият кўрсатди.

Милиция майори А.Мансуров узоқ йиллик меҳнат фаолияти даврида кўплаб шогирдлар етиштирди. Шу боис ҳам у ардоқда, эъзозда.

Яқинда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи муовини Ш.Отажонов Аюпжон Мансуров оиласига шахсан ташриф буюриб, оила аъзолари даврасида бўлди. Уларни байрам билан қутлади ва бошқарма томонидан ажратилган икки минг сўм ёрдам пулини топширди.

М.НАВРЎЗАЛИЕВ,

Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи ходими, милиция катта лейтенанти.

ЭЗГУЛИКНИ ДИЛГА ТУГИБ...

Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори Мираъзам Мирзаевнинг ташаббуси билан Наврўз арафасида идора ҳовлисини тозалаш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш тадбирлари ўтказилди. Миллий айёмимиз муносабати билан етим-есирларни, ногиронларнинг кўнглини сўраш ва уларга хайри-садақа улашишдек савобли ишлар амалга оширилди. ИИБ шахсий таркиби уч йилдан буён шахримиздаги махсус мактаб-интернатга оталиқ қилиб келади. Ногирон болалар учун 5 минг сўмлик турли хил ўйинчоқлар, китоб-дафтарлар сотиб олиниб, шахсий таркибдан хайрия учун йиғилган 10 минг сўм пул жамоа вакиллари олдида мактаб раҳбариятига ҳада қилинди. Олмалиқ шаҳар ИИБ шахсий таркибининг истеъфодаги ходимларидан **М.Жўраев, Г.Маковский, А.Дусанов** каби хасталарга, **М.Голяховская, С.Фатаев, Т.Марипов** каби фахрийларга, **А.Қосимов, Х.Эронов, А.Рисбоев, З.Раимжонов, А.Охунов, Ю.Ҳамдамов, Б.Ажатаев** каби кўп болали ходимлар оилаларининг ҳар бирига икки минг сўмдан пул ёрдами уюштирилди. Жиноятчилар билан мислсиз курашиб ҳалок бўлган сафдошларимиз оилалари ва ота-оналарига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, ҳар онлага беш минг сўмдан хайрия тарқатиб чиқилди. Хайрия **“КАУЛДИ”** кончилар жамғармаси ҳомийлигида ташкил этилди.



Эзгуликни дилларда жо этиб, сафдошларимизнинг унутилмас, порлоқ хотираси учун Тошкент вилояти ИИБ раҳбариятининг маслаҳати ва руҳсати билан хайрли ишга қўл урдик. Идорамизнинг кираверишидаги айвон тўрида хизмат вазифасини бажаришда жонларини қурбон қилиб, шахид кетган ходимларимиз, милиция катта лейтенанти **Эргаш Мерганович Аҳмедов, ЖҚБ инспектори, милиция лейтенанти**

Газета ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 191, 34.449 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

- Кўчириб босишда «Постда»дан экинчилигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

ҚИРҚ ОЛТИДА ҚИРҚИЛГАН...



талабчан ходим сифатида танилди. Кўпгина шогирдларга устозлик қилди, улардан кейинчалик ажойиб ходимлар етишиб чиқди.

У ички ишлар идораларида узоқ йиллар ҳалол ва самарали меҳнат қилгани учун турли хил медаллар ва бошқа кўплаб мукофотлар билан тақдирланган эди.

Ибодулло Шарипов ўз хизмат фаолиятини аъло бажариш, оилада меҳрибон, ғамхўр бўлиши билан бирга яшаб турган Янгиобод (ҳозирги Ғафур Ғулом, Беруний, Ҳазорбор) маҳалла кўмитасининг раиси сифатида анчагина хайрли ишлар қилди. Маҳалла илгари жамоа хўжалиғи худудида бўлгани учун ҳали электр билан таъминлаш етарли даражада эмас, сувқувур ва газ умуман келтирилмаган эди. Халқ ташвиши ва ғами билан милиция хизматини унутмаган ҳолда яшаган Ибодулло ака шу муаммоларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатди. У фақат ана шу ишлар билан чегараланиб қолмасдан, маҳалла кўчаларини ободонлаштиришда, кўкаламзорлаштиришда, чойхоналар, поликлиника болалар боғчасини қуриб, ишга туширишда, ўрта мактаб қурилишига бош-қош бўлди.

Маҳаллада осойишталик, тинчлик ўрнатилган учун ҳам жон куйдириб ишлади.

Ўз халқни учун ҳалол, бегараз хизмат қилган инсон ҳеч қачон унутилмас экан. Ибодулло Шарипов яшаб, бош-қош бўлган маҳалла аҳолиси илтимоси қондириш, мақсадида Сиёб тумани ва Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг қарорларига мувофиқ 1991 йил 26 апрелдан Боткин кўчасининг икки бўлағи унинг номи билан аталадиган бўлди, энди 22 апрель, яъни тугилган куни арафасида у яшаган бинода хотира тахтаси ўрнатилдиган бўлди.

Ибодулло Шариповни билган маҳалладошлари, хизматдошлари: **“Раҳматли Ибодулло ажойиб, тиниб-тинчимас, жонкуяр инсон эди, лекин дунёдан анча эрта кетди, жойи жаннатда бўлсин”,** — деб эсга оладилар.

С. ЗОҲИДОВ.

10 фарзанднинг отаси, милиция аълочиси Ибодулло Шариповнинг юраги уришдан тўхтаганига мана роппа-роса 25 йил тўлди. У ўша даврда эндигина 46 баҳорни қарши олган эди. Хасталик уни ҳаётдан эрта олиб кетди.

И.Шариповнинг ҳаёт йўлига назар соладиган бўлсак, бу йўл қисқа, аммо серташвиш ва серкирра эканига гувоҳ бўламиз. У 1922 йилда Самарқанд шаҳрида туғилди. 1939 йилда 7-синфни биттириб 1942 йилгача Самарқанд туманидаги **“Қизил Октябрь”** жамоа хўжалиғида табелчи бўлиб ишлади. 1942—1944 йилларда Ўрта Осиё ҳарбий округининг Самарқандда жойлашган 2-Харьков танк қўшинлари ҳарбий билим юрти курсанти бўлди.

1945 йилда Ибодулло милиция хизматига ўтди ва Самарқанд шаҳар 4-милиция бўлинмасига взвод сардори этиб тайинланди. Хизмат жараёнида у жамоат тартибини сақлаш, паспорт хизмати, жиноят-қидирув ва бошқа турли хизмат ва лавозимларда ишлади. Ҳаётининг сўнгги давларида эса майор унвонида Самарқанд шаҳар 3-сон милиция бўлинмаси бошлиғининг сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича муовини бўлиб ишлади.

И. Шарипов бутун хизмат фаолияти давомида ўз касбини севган, соф виждонли, меҳнатсевар, адолатли, ўзига ва қўл остидагиларга нисбатан



ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Мухаррир **Зокир ОТАЕВ.**

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.